

ҲАЙИТБАЕВ ШЕРМАТ

**ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ
РЕЖИССУРАСИ**

ТОШКЕНТ - 2006

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҲАЙИТБАЕВ ШЕРМАТ

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ РЕЖИССУРАСИ

**Магистратуранинг 5A810501 – Оммавий байрамлар ташкилотчиси
ихтисослиги учун
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ 2006

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ш.У.Хайитбаев ушбу ўқув қўлланмасида тажрибалардан келиб чиқиб қўғирчоқ театри режиссураси муаммолари ва қўғирчоқ бошқаришининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берган. Шунингдек қўғирчоқ театрлари учун мўлжалланган пьесалар ва муаллиф томонидан таржима асарлар ўрин олган.

Ўқув қўлланма маданият институти магистрлари, санъат институти бакалаврлари ва коллежлар талабалари ҳамда санъат ихлосмандларига мўлжалланган.

Заслуженный работник культуры Узбекистана Ш.У.Хайитбаев в данном учебном пособии рассматривает тенденции развития и проблемы современной режиссуры кукольного театра и основы кукловождения.

Данное учебное пособие предназначено для студентов творческих вузов и для широкого круга читателей.

Deserved workman of culture of the Republic of Uzbekistan Sh.U.Khaitbaev presents in his textbook the tendencies of development and problems of modern direction of puppet theatre and bases of puppet study.

This textbook is intended for the students of creative higher educational establishments and broad of reader circles.

Масъул муҳаррир:	Санъатишунослик номзоди, Профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Т.Исломов
Такризчилар:	Филология фанлари номзоди, «Режиссура» кафедраси мудири Ф.Э.Аҳмедов Республика қўғирчоқ театри бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси М.Х.Ашурова

Ушбу тўплам Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг Илмий Кенгашида муҳокама этилиб, нашрга тавсия этилган.

Кириш

Ҳар қандай театр режиссёрсиз ишлай олмайди. Айнан режиссёр театрни бошқарар экан, унинг ижодий йўлини ҳам белгилайди ва спектакль яратилишида катта масъулиятни ўз бўйнига олади.

Режиссёрлик касбига инсонни ўргатиб бўлмайди, фақат режиссёрлик қобилияти бўлгандагина, унинг имкониятларини тўғри оча билишга йўл йўриқ кўрсатиш, қизиқарли ечимлар қилишга туртки бериш ва хатарли хатоликлардан сақланишни ўргатиши мумкин, холос.

Режиссёр характери, қобилиятини машқ қилдириш, ўстириш, чуқурлаштириш ва кенгайтириш мураккаб жараённи ташкил қилади.

Инсонда мусиқани тинглаш, эслаб қолиш қобилияти бўлмаса у ҳеч қачон кўшиқ айтмаганидек, у кузатишдан, фантазия ва тасаввурдан йироқ бўлса, боз устига унда ҳазилкашлик, темперамент, ритмни ҳис қилиш ва ҳоказолар бўлмаса, табиий, у ҳеч қачон режиссёр бўла олмайди.

К.С.Станиславский шундай ёзган эди: «Режиссёрликка ўргатиб бўлмайди, режиссёр бўлиб туғилиш лозим».

Агар бу касбга юқори позициядан туриб назар ташласак дунёдаги энг мураккаб касблардан бири режиссёрлик касбидир.

Режиссёрнинг театрдаги роли, актёр ва режиссёр ҳамкорлиги ҳақида қанчалик тортишувлар бўлишига қарамай ҳаёт шуни кўрсатадики, театрнинг асоси драматургиядир. Актёр шу драматик асардаги воқеаларни ўзи етказиб берувчи шахс сифатида намоён бўлгани ҳолда, ҳозирги ва келажакдаги театр тақдири режиссёр зиммасидадир. Чунки, режиссёр юқорида айтилганларни жамловчи ва тайёр ҳолда томошабинга етказиб берувчи етакчи воситадир. Ваҳоланки бусиз театр театр эмас.

Ҳар қандай театр, ҳар бир режиссёр, «ўз уйида», ўз жойида ҳамма учун шарт бўлган ижодий масалани, яъни халққа қандай қилиб, энг самарали йўл билан юксак ижтимоий ғояларни етказишни, замондоши қалбини ларзага солувчи, унинг дил торларини чертувчи санъат асарлари яратишни хал қилиши лозим. Икки ярим минг йилдан бери театр ўз бошидан жуда кўп воқеаларни кечирди. У жуда кўп «касалликлар» билан касалланди. Лекин ўлмади. Муаллиф, актёр ва томошабин иттифоқи бузилмас экан, бундан кейин ҳам ўлмайди. Режиссёр эса ана шу иттифокни жамловчи, фаолиятини уюштирувчи – бош кучдир.

СПЕКТАКЛЬ ЯРАТИЛИШИДА РЕЖИССУРАНИНГ ЎРНИ

Спектакль сахналаштириш – жараёни жуда мураккаб бўлиб, баъзида машаққатли, баъзида қувончлидир. Бу жараён изланиш жараёни бўлиб, унда ҳамма ҳаракатда, ҳамма қандайдир ўзгаришлар киритишга интилади. Актёр, рассом, композиторлар-режиссёр ва пьеса муаллифи фикрларига ўзларининг ўзгартиришлари, қўшимчаларини киритишади. Уларнинг таклиф ва маслаҳатлари тўғри ва аниқ ечим топиши имкониятини беради. Спектакль образларини яратишда, уни олдиндан кўра олишда режиссёрга нима ёрдам беради ва нима халақит беради? Спектакль ҳақидаги биринчи фикр уйғонгандан бошлаб, уни амалга оширгунча ўтадиган жараён режиссёрда қандай кечади? Бу ерда репетиция жараёни эмас, балки режиссёр фикрларининг репетициягача бўлган психологик етилиши, уни кўра олиш жараёни назарда тутилади. Лекин кўпгина режиссёрлар ўзларининг спектакль яратишдаги дастлабки жараёнга енгил-елпи қарайдилар ва шахсий лабораторияларини тартибга солишга киришмайдилар.

Кўпинча пьеса ўқиб бўлиниши билан режиссёр бўлғуси спектакль ечимини олдиндан кўз олдига келтиради ва шу билан чекланиб қолади ва бу худди актёрнинг бошиданоқ натижани ўйлаганидек катта хатодир. Режиссёр олдиндан кўра олиш ҳуқуқини олишдан аввал у бир қатор вазифаларни олдиға қўйиши керакки, бу фақат тасаввур қилиш эмас, балки асарга образли ёндашиш бўлсин. Шу билан бирга бу ёндашиш профессионал бўлмаган одамнинг кўлидан келмайдиган бўлсин. У яратган санъат асари–спектакль шундай даражада бўлсинки, уни кўрган томошабин мўъжиза деб аталмиш театрға келганиға ҳеч афсусланмасин. Худди шу дастлабки жараён энг муҳими бўлиб у яъни жараён сахналаштирилаётган спектакль ҳақиқий санъат асари бўла оладими ёки йўқми деган саволға жавоб беради.

Замонавий театрларни бошқариш вазифаси режиссёр зиммасига юклатилган. Ундан яхши актёрлар ансамблини яратиш, жанр йўналишини белгилаш, спектаклнинг бадий қимматини, ғоясини аниқлаш талаб этилади. Режиссёр талқини нима ва у қандай пайдо бўлади? Ҳамма иш пьеса қидиришдан бошланади. Албатта бу пьеса ғояси, режиссёр ва у билан бирга ишлаётган ижодий жамоа учун яқин ва қизиқарли бўлиши керак. Пьеса режиссёр фантазиясига уммондек оқимлар олиб келса, тасаввурни уйғотса, ҳаётда кўрган-кечирганларини эслатса ва бу мураккаб психологик жараён қадамба-қадам, баъзида эса яшиндек бўлиб, драматург фикр ва ғояларни образли талқинға олиб келса, демак бу пьеса бахтли сахна ҳаётиға эға бўлади. Шундай қилиб режиссёр талқини – бу режиссёр фантазияси, режиссёрнинг кўриши (режиссёрское видение), автор ғояларини образли талқин қилиниши ва бу талқинни маълум бир усулда сахнаға олиб чиқишидир. Ҳар бир режиссёрда ғояларни образли талқин қилиш турлича кечади.

Буюк қувонч ва дахшатли нафрат – бу икки туйғу ижодкор сифатида драматург ва режиссёр табиатини яқинлаштирувчи омилдир. Лекин драматург талқини, режиссёр талқинидан фарқ қилади. Бу фарқ шундаки драматург асарларида ҳаётда кўрган кечирганларини, кузатганларини намоён қилади.

Режиссёр талқини эса, драматург ёзган пьесани ўқилгандан сўнг туғилган фикр, ғоя, туйғу демакдир. Станиславский айтганидек, режиссёр тасаввури, таассуротдан катта фарқ қилади. Таассурот- бу ўқилган асарга берилган юзаки баҳо бўлиб, талқин, тасаввур эса пьесанинг мукаммал таҳлили, режиссёрнинг профессионал маҳорати ва истеъдодига боғлиқ натижадир. Буларнинг ҳаммаси драматик, мусиқали ва кўғирчоқ театрлари учун бир хилда тегишли. Гап кўғирчоқ театрларидаги спектакль талқини ҳақида кетар экан, унинг бир қанча хусусиятларига эга эканлигига тўхталиш лозим.

Спектакль қўйишга тайёрланаётган режиссёр бу хусусиятларга амал қилмас экан спектакль умуман чиқмайди ёки чиқса ҳам режиссёр орзу қилгандек бўлмайди. Бу хусусиятлар нимада? Бу, аввало жонсиз кўғирчоқнинг жонланиш хусусияти бўлиб, кўғирчоқ театри табиатини белгилайди. Кўғирчоқ театрида фақат кўғирчоқлар эмас, балки ҳар қандай предмет ҳам жонланиши мумкин. Шуниси муҳимки, бундай жонланишдан томошабин руҳан роҳатланади. Яна бир хусусият муаллиф ғоясининг бадиий талқини бўлган кўғирчоқни юқори баҳолаш, севиш, актёр маҳоратидан ҳам устун қўйишдир. Мана шу хусусиятларнинг ҳаммаси Евгений Сергеевич Демени ижодида мужассамлашган эди. Е.С.Демени кўғирчоқ театри учун юқори профессионал драматургия асарлари яратишга бел боғланган биринчи режиссёр ҳисобланади. Унинг бевосита бошчилиги ва ёрдами билан классик пьесалар кўғирчоқ театри учун қайта яратилди.

Е.С.Деммени Ленинград кўғирчоқ театрида ишлар эди. Унинг атрофида уюшган малакали рассом, ҳайкалтарош, композиторлар ҳамжиҳат бўлиб кўғирчоқ театри санъатини ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Е.С.Деммени репетиция жараёнига қадар «бошида» ўз спектаклини саҳналаштирар, ўйлаб топар ва ўз талқинига асосланиб рассом, кўғирчоқ устаси конструктор ва композиторга аниқ вазифаларни юкларди ва улардан асарнинг жарангдор бўлишини талаб этарди. У репетицияга, актёрлар олдига тайёр, пишиқ режиссёрлик дастури, тайёр декорация ва мусиқа билан келарди. Репетициядан кўзланган мақсад-спектакль қўйилиш жараёни унинг онгида аллақачон шаклланган бўларди. Актёрлар билан ишлаш жараёнида у мезансценаларни аниқлаш, кўрсатиш ва ўзи ишлаб чиққан дастур асосида фаолият юргизишга ҳаракат қиларди. Бундан ташқари актёрларга матн ёдлаш, ойна олдига кўғирчоқлар ҳаракатини мукаммал ишлаш каби уй вазифалари топшириларди.

Е.С.Деммени биринчи бўлиб, кўғирчоқ театрида мусиқаларни воқеаларни акс эттирувчи эмас, балки иштирок этувчилар ҳаракатини тўлдирувчи мусиқий ранглар жилоси сифатида беришга ҳаракат қилган. Кўғирчоқ театрида ўзининг режиссёрлик қобилиятини намоиш қилган яна бир санъаткор Москвадаги Марказий кўғирчоқ театри директори ва бадиий раҳбари вазифасида ишлаган С.В.Образцовдир. У ўзининг бош вазифаси дея спектаклда иштирок этувчи барча ижодкорларнинг фантазия ва тасаввурини уйғотиш деб биларди. Ижрочилар фақат кўғирчоқ, декорация, ширма ва образ ҳақида фикр юритмай ўша пьесада акс эттирилган ҳаёт ҳақида, ўша давр муҳити ҳақида мулоҳаза юритишларини истарди. С.В. Образцов фикрича санъатда ишлаш-ҳаётни севиш, оддий нарсада ғайриоддий нарсани кўра билиш, бу нарсалардан ҳаяжонга келиш,

одамларга уларнинг ўзлари ҳақида билмайдиган нарсаларни айта олиш, янгилик яратиш, кашфиёт қилиш демакдир.

Ўз ўрнида актёр ҳам режиссёр нигоҳига эга бўлиши лозим. Драматик актёрларга бу нигоҳ ўзларига четдан танқидий қарашга имкон берса, кўғирчоқбоз актёрга эса, бу борада анча қулай. Чунки, улар бу нигоҳ билан кўғирчоқларини диққат доираларидан четга чиқармай кузатиш, хатоларини кўриш имкониятига эгадирлар. Лекин бу, актёрларга кўғирчоқ устида ишлашда тўла режиссёрлик ҳуқуқини беради деган гап эмас. Шундай қилиб, режиссёрнинг муҳим вазифаси-спектаклдир. Спектакль сахна юзини кўриши учун бутун ижодий жамоа маъсулдир. Шундай экан, режиссёр бир томондан спектакль яратиш технологиясини, иккинчи томондан жамоада ижодий ташкилотчиликни яхши олиб бора олиши керак. Режиссёрнинг спектакль устида ишлаш жараёнини шартли равишда 4 босқичга бўлиш мумкин.

1. Пьеса устида ишлаш.
2. Кўғирчоқ эскизлари ва декорация хусусида кўғирчоқ устаси билан ишлаш.
3. Актёрлар билан стол атрофида ва ширмада ишлаш.
4. Спектакль монтажи (мусиқа ва чироқ билан ишлаш жараёни).

Ҳар бир замонавий режиссёрнинг олий мақсади жамият олдида турган, кўпчиликни қизиқтирган ва ҳозирги даврдаги муҳим масалаларга ижодий нуқтаи-назардан қарашдир. Режиссёр-муаллиф, ғоя ва фикрларнинг интерпретаторидир. Пьеса ғоя ва фикрлар саёз бўлса, бугунги кун муаммоларига жавоб бермаса, муаллифнинг такрорланмас шахсиятини очиб бермаса ҳеч қандай театр такрорланмас санъат асари ярата олмайди.

Бу мажбуриятлар замонавий драматургия ва классик драматургияга бир хилда тегишли. Чунки, ҳар икки асар ҳам хох у замонавий, хох классик бўлсин у бугунги кун ғоялари талқинига, бугунги кун ижро услубига, бугунги кун эстетик даражасига эга бўлиши керак. Режиссёр пьесани ўзи яшаб турган замонаси ҳақида, замонавий услубда, бугунги шакл-шамойилда талқин қилгандагина классик драматургия ўз кучи жазобасини йўқотмайди. Қандай қилиб ўтмишда ёзилган пьесани бугунги ҳаётга бугунги кун муаммоларига ҳамоҳанг қилиш мумкин? Спектакль ва замон ўртасидаги кўприк худди мана шу олий мақсаддир.

Олий мақсад бизга театр деворларини суриб, пьесани замона кўзи билан кўриш имкониятини беради. Фақат пьесани ўқиб чиқиб, унинг олий мақсадини англаб бўлмайди. Бунинг учун замонни одамларни яхши билиш зарур. Билишгина эмас, қалбан ҳис қилиш шарт. Олий мақсад-спектакль темпераментини белгилайди. Олий мақсадни аниқловчи ижодкор ўз фикрларини тўғрилиги учун ёниб кураша оладиган, гапларини исботлай оладиган бўлиши лозим. У севиш ва нафратланишни билиши керак. Нима гўзал, нима хунук эканлигини, ҳаяжонланишни ва ачинишни ўзида ҳис қилгандагина, пьесада ўзига тортивчи куч, янги фикр ва ғояларни топиш мумкин. Яна кўғирчоқ театри учун пьеса танлаш муаммосига қайтсак. Ўзбек, рус ва жаҳон кўғирчоқ театрлари аллақачон сахнада лирик комедиялар, пародия ва сатирик спектакллар қўйиш мумкинлигини исботлади. Лекин сахнада драма ва трагедик асарларга мурожаат қилишга иккиланадилар. Е.В.Сперанский сўзи билан кўғирчоқлар томошабин

калбини ларзага сола оладими? Уларда кулги ёшларидан бошқа, юрак ёшларини ҳам оқиза оладими? Ҳа албатта. Кўғирчоқ театрларининг жанр танлаш чегараси бекиёс. Унда улуғлик ва кулгулик ҳолатлар бемалол жой топа олади.

М.Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти «Кўғирчоқ театр санъати» кафедраси устоз ва талабалари ҳар хил жанрдаги пьесаларга мурожаат этадилар. Масалан Тоир Исломовнинг «Ландавур бўри» пьесаси ёзилган бўлиб, унинг ғояси яхшилиқнинг ёмонлик устидан доимо ғалаба қозониши таъкидланган. Бу ғоянинг пьесага сингдирилгани ёш томошабин калбида эзгуликка, адолатга, ҳақиқатга кенг йўл очади. Ёмонлик, бахиллик, кўролмаслик, фирибгарлик, алдоқчилик каби ифлос иллатлардан қочиш ва улардан нафратланишни инсон руҳиятида тарбиялайди. Яна бир пьеса Анатолий Қобуловнинг «Очкўз Хасан қиссаси ёки сеҳрли кийик» ҳақидаги пьеса бўлиб, у трагедия жанрида ёзилган. Унинг асосий ғояси — одамийликнинг улуғланишидир. Болалар бу эртакни кўрганларидан кейин бойликка хирс қўйган одамнинг ахволи вой бўлишини билиб оладилар.

Драматург Даврон Собировнинг қаламига мансуб «Йўлдош ота саргузаштлари» номли пьеса ҳажвий жанрда ёзилган бўлиб, унинг ғояси муросасизликдир. Ҳар учала пьеса ўқув театр саҳнасида қўйилди ва талабалар, устозлар, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Шундай қилиб бўлғуси спектакль учун пьеса танланди. Пьеса танлаб олингандан сўнг уни бутун жамоа билан ўқиб чиқилади. Режиссёр унинг мавзуси, жанри, ғояси, ундаги қарама-қаршилик, етакчи ҳатти-ҳаракат ва олий мақсадини аниқлайди. Шу вақтдан бошлаб рассом билан кўғирчоқ эскизлари устида ишлаш бошланади. Режиссёр бўлғуси спектаклнинг рассоми билан учрашганда ўзларининг пьеса ҳақидаги фикр мулоҳазалари, талқини ва тасаввури ҳақида ўртоқлашадилар. Улар биргаликда умумий ечимга, умумий мақсадга келганларидан кейин бўлғуси спектакль кўғирчоқларининг характерлари ва кўриниши қандай бўлишини маслаҳатлашиб, декорациялар хусусида бир ҳулосага келадилар.

Режиссёр юксак даражадаги асар талқини рассомнинг енгил-елпи ишлари билан чиппакка чиқиши мумкин. Рассом кўғирчоқ театрида драматик театрлардагидек саҳнавий кенглик, саҳнавий муҳит, қахрамонларнинг характери, ташқи кўриниш хусусида ҳам иш олиб боради. Спектакль қахрамонларининг бадий образлари рассом фантазияси маҳсулидир ва бу фантазия режиссёр талқинини чуқур англагандагина жуда чиройли амалга ошади. Шунини айтиб ўтиш жоизки, рассом муаллиф ва режиссёр ғоялари талқинини кўғирчоқ-образга айлантирувчи бўлибгина қолмай, у спектакль яратувчи ижодий жамоанинг бир иштирокчисидир. Репетиция жараёнида ҳам режиссёр рассом билан бир неча бора учрашди ва спектаклдаги техник икир-чикирларгача маслаҳатлашади. Чунки мана шу икир-чикирлар спектакль яхлитлигини, саҳнавий кўркемлигини таъминлайди. Рассом чизгисидаги бўлғуси кўғирчоқ-образлар характери, пьеса талқинидаги характерларга мос тушишиш лозим. Шунини назарда тутиш лозимки, кўпинча эскиз яхши ишлангани билан тайёр кўғирчоқ эскиздаги кўғирчоқдан фарқ қилади. Бундай ҳолда нима қилиш керак?

Агар шундай хол юз берадиган бўлса, биз кўғирчоқ қандай бўлса шундай қабул қилишимиз уни яхши кўришимиз лозим. Ана шундан кейингина у билан ишлашга киришимиз мумкин. Кўғирчоқ образ билан биринчи учрашув актёр учун жуда муҳимдир. Агар шу вақтда актёр кўғирчоқ устаси ясаган кўғирчоқни қабул қилмаса ноаниқлик юз беради, яъни улар ёнма-ён бўлсалар ҳам бир-бирлари билан келишмайдилар, бир-бирларига ҳалақит берадилар. Ана шунда мўъжиза юз бермайди, кўғирчоқ жонланмайди. Кўғирчоқ қандайдир камчиликларга эга бўлса ҳам актёр унинг ижобий томонларини кўра олиш ва шу орқали уни севиши лозим. Фантазия ва тасаввурни ишга солиб, шундай шарт-шароит топиш лозимки, кўғирчоқ бу шароитда қандай ҳаракат қилмасин, актёр унинг шу ҳаракатларини яхши кўриб қолсин. Ўз қаторида сахналаштирувчи режиссёр ҳам ижрочини айнан шу кўғирчоқ ҳар томонлама спектакль ғояларига мос келишига ишонтира олиши керак.

С.В.Образцов тайёр кўғирчоқни уйга олиб кетиб, у нималар қила олишини, янги ҳаракатлар ўйлаб топишни таклиф этади. Ойна олдидаги машқлар яхши натижалар беради. Театрда репетиция жараёнида кўпинча актёр кўғирчоғини стул суянчигига, креслога ўтқазиб, стол ёнида ширмада машқлар қилаётганини кузатиш мумкин. Актёр бунда кўғирчоғининг пластик ҳаракатини ўрганаётган бўлади. Агар актёрлар кўғирчоқни устахонада ўзлари яасалар иш яна ҳам осон кечади. Иш жараёнида у ўз кўғирчоғининг ҳаракат кенгликларини, «актёр» сифатидаги қобилятини, пластикасини ўрганади, уни ўз фарзандидек ардоқлайди. Кўғирчоқ характери ва биографияси аниқ бўлгандан кейин ҳар бир ролнинг олий мақсади ва етакчи ҳатти-ҳаракати аниқлаш лозим. Бу борада Е.Тараховскийнинг С.В.Образцов театри сахнасида қўйилган ва кўпчиликка маълум «Чўртан балиқ амри билан» спектаклининг иш жараёнига тўхталамиз. Спектаклдаги асосий қаҳрамонлардан бири Несмеяна образидир. Унинг хоҳиши олий мақсади нима? Унинг олий мақсади саройдаги зерикарли, жонга тегиб кетган ҳаётдан қутулиш. Унинг пьесадаги барча ҳаракатлари бу истакнинг ёрқин далилидир. Эртак бошида ў ўзининг тажанг хулқ-атвори, тинмай йиғлаши Билан ўз норозилигини билдиради. Кўз ёшлари томчилаб эмас, челақлаб оқади. У ҳамма нарсадан ҳатто овқатдан ҳам воз кечади. Қишлоқ чеккасида яшовчи Емелянинг келишига Несмеяна аввал иккиланиб қарайди. Унинг отда эмас, печка устида келиши маликани қизиқтириб қўяди. У Емеляда сарой қонунларини сариқ чақага ҳам олмайдиган, хайиқмайдиган жуда оддий инсонни кўради. Секин-аста Несмеяна ўзи хоҳлаган одам Емеля эканлигини, фақат у билан қувноқ ва қизиқарли ҳаёт кечирешини тушунади. Шундай қилиб ролнинг етакчи ҳатти-ҳаракати ўзининг ҳақиқий бахти учун курашиш эканлиги ойдин бўлади. Ҳар қайси ижрочи ўз ролидаги асосий воқеани ўзи топиши ва ўзи ном қўйиши ҳукуқига эга. Масалан Несмеяна ролида асосий воқеалардан биттасини санаб ўтиш мумкин:

- I. Несмеянанинг норозилиги.
- II. Несмеяна куёвларни рад этади.
- III. Емелянинг печка устида келиши.
- IV. Несмеяна кулиб юборади.

V. Емеля билан бирга.

VI. Янги дўстлар, янги ҳаёт.

Булардан ташқари қўшимча материаллар хусусида ўйлаб кўриш мумкин. Яъни пьеса эртак жанрида ёзилгани учун ижрочиси рус халқ эртакларини ўқиб чиқиши рус эртаклари асосида олинган кинофильмларини кўриши ўша замон колоритини ҳис қилиши лзоим. Эртак қахрамонлари либосларига эътиборини қаратиш, керак бўлса ўз кўғирчоғи либосларига ўзгартиришлар ва баъзи деталлар киритиш мумкин. Бу эса ҳар бир ижодкорнинг фантазияси ва тассуротига боғлиқ, шу билан актёрнинг рол устида ишлашига, дунёқарашининг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатади. Рол устида ишлаш жараёнида ижрочи аввалам бор берилган шарт-шароитни, воқеа содир бўладиган жой ва вақтни, воқеа содир бўлишига нима сабаб бўлганини ўрганиб чиқиши зарур. Бизнинг пьесамиздаги берилган шарт-шароит ўрмон, сокинлик. Несмеяна ёнида унинг ёри Емеля. Бу шароит Несмеянани тинч ва хотиржам этади. Ўрмонда ҳаво салқин. Иссиқ саройга ўрганган малика совуқдан дилдирайди. Уларнинг олдига Емелянинг дўстлари ўрмон хайвонлари ташриф буюришди. Несмеянага ҳамма нарса қизиқарли, энди унинг йиғлагиси ҳам келмайди. У дўстларига исми Несмеяна эмас, Маша эканини маълум қилади.

Емелянинг онаси ҳам у билан танишади. Маша уларнинг олдида ўзини жуда яхши ва эркин ҳис қилади. Салом янги ҳаёт, салом янги дўстлар ва севги. Қўйилаётган пьеса қанчалик қизиқарли бўлмасин, режиссёрнинг спектакл талқини қанчалик юксак даражада бўлишига қарамай, рассом ижодининг маҳсули-кўғирчоқ қанчалик оригинал чиқмасин шуларнинг барчасини сахнага олиб чиқиш, томошабинга ҳавола этиш актёр қўлидадир. «Қўлида» сўзининг тўғри ва том маънода тушуниш мумкин. Том маъноси-актёр ҳақиқатдан ҳам автор ғояси, режиссёр талқинини томошабинга ҳавола этувчи восита ҳисобланади. Тўғри маъноси-актёр кўғирчоқ театрида ўз қўллари билан жонсиз предметга - кўғирчоққа жон бағишлайди. Гап қайси йўналишдаги театр хусусида кетмасин, унинг боши – актёрдир. Буюк режиссёр ва педагог Немирович Данченко (1853-1943) шундай деб ёзган эди: «Жуда ҳашаматли бино қуриб, уни замонавий ёритгич ва иситгичлар билан таъмирлаб, малакали рассом ва оркестрни таклиф этиб, ишбилармон администратор ва директорни ишга жалб этган тақдирда ҳам бу театр - театр бўлмайди. Бу яхши жиҳозланган ва таъмирланган бино бўлиб қолади. Мана бирор шаҳар майдонига уч актёр келиб, ерга гиламча солдилар ва ўз маҳоратларини, ижроларини намойиш эта бошладилар-ана энди бу томоша ҳақиқий театр томошасидир».

Режиссёрнинг актёр билан ишлаш жараёнини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Актёр ва пьеса устида кўғирчоқлар тайёрланмасдан олдинги, стол атрофидаги иш жараёни.

2. Кўғирчоқлар актёр қўлига етиб келгандан кейинги ширмадаги иш жараёни

.

Биринчи этапда актёрлар билан пьеса ўқилади, унинг жанри, автор ғояси, пьеса ва ҳар бир рол таҳлил қилинади. Режиссёр ўзининг пьеса талқини билан актёрларни таништиради. Образларнинг пластик ечими, пьеса ҳақидаги танқидий адабиётлар муҳокама қилинади. Режиссёр пьеса биринчи бор ўқиб бўлингандан кейин, актёрларга унинг ғоясини тўғри етказиб беришга ҳаракат қилиши, ролларни бўлиб бергунга қадар жамоада умумий эмоционал муҳит яратишга, бўлғуси спектакл учун жавобгарлик ҳар бир ижодкор зиммасида эканлигини уқдириши лозим. Режиссёр спектакл талқинини уқдирар экан, бу талқин ҳаммани ўзига тортиши, қизиқтириб қўйиши лозим. Ҳар бир актёр шу талқин асосида ўз ишининг ёрқин натижасини тасаввур қила олсин. Қўғирчоқ тайёр бўлгандан кейинги жараён сахна майдончасига кўчади. Бу ерда мизансцена аниқлангани ва персонажларнинг ҳаракат йўналишлари белгиланади. Қўғирчоқ театрида сахна вазифасини ширма бажаради, демак кейинги репетиция жараёни театр санъатидаги ижодий жамоанинг характери, қобилиятини очиб беради. Худи шу жараёнда актёрда ўзининг қўғирчоқлар ҳаракати хусусидаги таклиф ва истакларини билдириш имконияти туғилади. Бу таклифлар эса ўз қаторида режиссёр билан муҳокама қилинади ва сахнада кўрилади.

Сахнадаги биринчи вазифа мизансценаларини аниқлашдир. Мизансцена-бу спектаклда иштирок этувчи актёрларнинг сахнада жойлашишидир. Мизансценалар орқали актёр жисмоний ҳаракатларини сахнада тартибга келтиради. Мизансценалар ҳар қачон ролнинг олий мақсадидан, ички ҳолатидан, сахнавий муносабатларидан келиб чиқади. Мизансценаларининг сахнада чуқур маъноли таъсирчан, аниқ бўлишига айниқса аҳамият берилади. Мизансцена актёрнинг ички ҳолатини уйғотувчи ва уни образ оламига етаклаб олиб келувчи, унинг қалбини ҳаракатга келтирувчи кучга эга. Бундай таъсирчан ҳаётий ва ҳаққоний мизансценаларнинг намуналари, ҳар вақт ҳаётнинг ўзидан, тасвирий санъат намуларидан, адабиётдан изланади. Шу сабабли ҳам ҳар қандай режиссёр, актёр, доимо ҳаётга тасвирий санъатга, адабиётга мурожат қилишга мажбур. Мизансценалар ҳар доим ҳаётий, ҳаққоний, актив бўлмоғи керак. Бу хусусият факат юқори малакали ва маданиятли актёрлар, режиссёрлардагина бўлишиш мумкин. Қўғирчоқ театр спектакллари мусиқасиз тасаввур этиш мушкул. Мусиқа доим спектакл билан бирга бўлиб, кўпинча томошанинг қалб кўзгусини очиб беради. Бу фикрлар қўғирчоқ балети, концерт номерлари ва мусиқий пантомима каби қўғирчоқ театри жанрларига бирдек таалукли. Қисқаси ҳар қандай жанрдаги қўғирчоқ театрида мусиқа иштирок этади. Агар қўғирчоқ театри илдизларига назар ташласак, халқ қўғирчоқ театрлари ўз томошаларини масалан, руслар шарманка, гармон билан, ўзбеклар доира, ноғора, карнай, сурнай каби мусиқий асбоблар жўрлигида олиб борганликларининг гувоҳи бўламиз. Бу эса томошанинг жозибадор, қувноқ ва ҳаракатга бой бўлишини таъминлайди.

1930-40 йилларда мусиқа иштирокида қўйилган куйидаги пьеса мазмунига эътиборингизни қаратмоқчимиз. Петрушка-рус халқ қўғирчоқ театри қаҳрамони сахнага чиқади, халқ билан саломлашади, гаплашади. Шундан сўнг мусиқачига

Ўзининг уйланиш нияти борлигини маълум қилади. Муסיқачи унга келинни шу ерга олиб келишни таклиф этади. Унинг қалини хақида сўрайди. Шу пайт сахнага дўмбоққина, икки юзи қизил келин чиқиб келади. Петрушка бўлғуси келинни мақтайди. Муסיқачи эса ундан камчиликлар топиб, Петрушканинг жаҳлини чиқаради. Петрушка муסיқачига-«мусиқангни чал, унинг ўйнашини томоша қил»-дейди. Келин-куёв рақсга тушиб кетадилар. Сўнг Петрушка келинни уйига кузатиб қўяди. Бундай сахна кўринишлари қисқа бўлганлиги учун ундаги рақс ва қўшиқ куплетлари ҳам қисқа бўлиши керак, акс холда бу спектаклнинг умумий ритмини бузиб қўяди. Ўзбек халқ қўғирчоқ театрлари ҳам муסיқага, ҳам рақсга ва қўшиққа бой булади. Сурнайчи, доирачи, ноғорачи каби муסיқачилар томошада бўлар, хатто кўриниш иштирокчилари билан мулоқотга киришиб образ яратишлари мумкин.

1950 йилларда Бухорода ўйналган кичик сахна кўринишини эътиборингизга ҳавола этамиз. Бу кўринишнинг номи «Офтобхон ва Мавтобхон»дир. Карпармон- икки дугона, раққоса Офтобхон ва Мавтобхонларга ўртага кўркмасдан чиқинлар, бизга ўйнаб беринлар деб чақиради. Икки қўғирчоқ-яъни Офтобхон ва Мавтобхон чиқиб келишади. Мавтобхон қўллари билан бошини ушлаб олган. Офтобхон Мавтобхонга қараб: «тезроқ тузала қол, Мавтобхон, ўйнаймиз, Ош еймиз»-дейди. Мавтобхон эса ўз қўллари билан бошини эзиб; «Бисмилло, бу мани қўлим эмас, авлиёнинг қўли»-дейди. Офтобхон «Авлиёнинг ким»-деб сўрайди. «Қурқури-қарроқ»-деб жавоб беради Мавтобхон. Карпармон чапак чалади. Қизлар рақсга тушадилар. Ноғорачи кўриниш давомида уларга жўр бўлиб туради. Муסיқани бу қўғирчоқ театри муסיқаси деб ажратиш мушкул. Спектаклдаги муסיқий ечим, шу спектакл ечими стили ёки жанридан, режиссёр ва композиторнинг дунёқарашидан келиб чиқади. Албатта муסיқа спектаклдаги тасвирий ечим билан боғланган бўлиши керак. Қўғирчоқ театрида фантастик ва лирик куйлар, овозлар, шовқинлар танланади. Бу муסיқий жило эса ўз навбатида ранглар жилоси билан уйғунлашиши лозим. Юқорида режиссёрлик касби, унинг қўғирчоқ театридаги роли, режиссёрнинг спектакл яратишдаги асосий вазифалари, спектакл анализи ҳамда театрнинг бошқа ижодкорлари билан ижодий ҳамкорлик хақида тўхтаб ўтдик. Қуйида, намуна сифатида Даврон Собуровнинг «Африка қўшиғи» пьесаси ва шу пьесага қилинган режиссёрлик анализини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов –Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб хисоблашар эди. Т.Ўзбекистон. 2005 й. 62 б.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида. Т. Ўзбекистон 2005 й.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Ўзбекистон 1998 й
4. М.Ашурова: Қўғирчоқ театри актёри бўлими талабаларида қўлнинг бадий ифодалаш хусусиятини тарбиялаш. Т. 1995.
5. М.Ашурова: Актёр-создатель кукольного сценического образа. Тошкент 1995.
6. Е.Деммени: Куклы на сцене Искусство Ленинград 1949.
7. Е.Деммени: Знай и умеи Дет из.Ленинград 1960.
8. Т.П.Андреанова:Тренинг актёра в театре кукол Ленинград 1983.
9. Л.М.Шихматов. Сценические этюды» Москва. Просвещение 1966 г
10. А.Д.Попов. О художественной целесности спектакля. Москва. Просвещение 1970 г
11. М.Т.Тулаходжаева. Режиссура Узбекского драматического театра тенденции, развития и современные проблемы. Ташкент 1995 г
12. В профессиональной школе кукольника Ленинград 1979.
13. Д.М.Генкин. Массовые праздники. М.Просвещение 1975 г.
14. И.М.Туманов. Основы режиссуры театрализованного концерта. М.Просвещение 1974 г
15. К.У.Хўжаев .Саҳнага йўл. Ўқитувчи. Т. 1982 й.
16. М.Х.Қодиров. Саҳнамиз лочинлари. Ғ.Ғулом. 1986й.
17. Б.Насриддинов. Саҳна жилолари. Ғ.Ғулом.1985й.
18. М.Х.Қодиров. Халқ қўғирчоғи театри.Т. Ғ.Ғулом 1972й.
19. М.Х.Қодиров. Ўзбек театри анъаналари. Т.Ғ.Ғулом. 1976 й.
20. У.Х.Қорабоев .Ўзбек халқи байрамлари Тошкент 2002й.
21. У.Х.Қорабоев. Ўзбекистон байрамлари Ўқитувчи 1991й.
22. О.З.Ризаев. Наби Рахимов.Т. Ғ.Ғулом 1997й.
23. М.Х.Қодиров. Ўзбек халқ томоша санъати. Ўқитувчи 1981й.
24. С.Образцов. Моя профессия М. Искусство. 1981.
25. Х.Ш.Абдусаматов. Театр танқид кўзгусида. Т.Фан.1993 й.
26. Ф.Асқар. Муסיқа ва инсон маънавияти. Т. ЎМЭ. 2000 й.

Д. Собуров

«Африка қўшиғи»

**(Инсценировка Африка халқ эртаклари асосида қўғирчоқ театрлари учун
мўлжалланган I- кўринишдан
иборат пьеса).**

Қатнашувчилар:

Жўжача – энди тугилган

Илон хола- қари, тиши йўқ

Ноно - қиз чувалчанг

Чумби – бола чувалчанг

Бахший қурт – текин томоқ

Ўрмон. Эрта тонг. Барглар тагидаги бир чувалчанг уйқудан уйғонади.
(Қиз чувалчанг)

Ноно: Салом эй мовий осмон

Салом куёш жонажон
Ўсимлигу-жонзодлар,
Таниш –нотаниш зотлар
Тингланг қутлуғ каломим,
Қабул этинг саломим.

(Муסיқа. Найза кўтарган бола чувалчанг келади)

Чумби: Олололо, «фишт» найзаси билан какос мевасини
тушириб, ича бошлайди.

Ноно: (Яшириниб бошқача овозда)-Хей чумби!

Чумби: Ким у? (қўрқиб қидира бошлайди) мен ер ости
Арвохиман.

Чумби: Сенга нима керак арвох?

Ноно: Сени олиб кетгани келдим.

Чумби: Қажоққа?

Ноно: Арвохларимизнинг қоринлари оч. Улар сенга ўх-
шамаган дўмбоқ, ширин чувалчангларни хуш кў-
ришади.

Чумби: А-а-а??? Раҳм қилинг арвох хола.

Ноно: ия, йиғлаб юбордику, вой қўрқоқ-эй, ха, ха, ха!

Чумби: (дарров ўзгариб) Нима мен қўрқоқманми? Ўзим
Шунчаки... Ҳа, ҳазиллашувдим!

Ноно: Ҳазиллашганмиш, полвон!

Чумби: Хув, менга қара, ўзинг ориқ, ожиз қиз боласан,
яна мени қўриқитмоқчи бўляпсанми?

Ноно: Чумби хафа бўлдингми? Ахир мен шунчаки...

Чумби: Э-э, бор йўқол! Менга сендақ дўстнинг кераги
йўқ. Энди сен билан ўйнамайман. (Ноно хафа
бўлиб уяси томон кетади) Тўғрида, мен унга ўйин-
чоқманми? (шу вақт катта чувалчангхўр қурт Чум-
бига ташланади. Ноно югуриб келиб, Чумбини
қутқаради ва ўзи қурт чангалида қолади)

Чумби: Ҳей, қурт, яхшиликка қўйиб юбор уни. Нима,
эшитмадингми дейман-а? Жаҳлим ёмон, ҳозир бир
урсама-а? (Чумби ҳақиқий ботирларга ўхшаб ёрдам-
га ўхшаб бораётганда қуртган ёниб турган кўзлари-
дан қўрқиб орқага қайтади. Шу пайт қуртнинг усти-
га туяқуш тухумининг пўчоғи тушади. Уя ёнидан
жўжача бошини чиқазиб қарайди).

Жўжача: Ассолому-алейкум! Сизлар мени қалпоғимни кўр-
дингизми? (Чувалчанглар қўллари билан кўрсати-

тишади. Жўжача қалпоғини кийиб олади. Қалпок тагидан қурт чиқиб қоча бошлайди. Чувалчанглар бирданига «ура» деб бақиривади. Жўжача кўрқиб бошини майсалар орсига яширади).

Ноно: Сен бизни ёвуз қурт чангалидан қутқардинг. Раҳмат сенга ботир жўжача (уриб қўяди).

Жўжача: Мен жўжачаман.

Ноно: Ҳа, ботир жўжачасан!

Жўжача: Сиз ўзингиз кимсиз?

Ноно: Мен чувалчангман, исмим Ноно.

Жўжача: Сиз мени онам эмасмисиз? Ноно? Ноно:

Йўқ сени онанг чиройли, узун куш.

Чумби: Ҳих, ботир жўжаман! Агар унинг бошидаги қоғоғи тушиб кетмаганида у ҳам сени қутқара олмасди. Мен атайлаб кутаётгандим, агар у сени еб қўйса борми, мен уни пачоғини чиқазиб ташлардим.

(кўрсатиб) Мана мени ботир деса бўлади. Хе ошна, бунақанги қуртлар мен учун ҳеч гап эмас, мана яна.

Ноно: Яна мақтанишни бошладингми? Мақтанчоқ.

Чумби: Ноно тўхтагин, бошқа мақтанмайман! (иккаласи чиқиб кетишади).

Жўжача: Қизиқ, нимадир егим келяпти, нима есам экан-а? (бир-бир титиб еб кўра бошлайди. Тош тагидаги илон думини тортади) Ия, чиройли, узун менинг онаммикан-а?

Илон: Салом жўжача.

Жўжача: Салом онажон.

Илон: Вой, у менга онажон деяптими? Хе-хе... Овқат ўз оёғи билан келиб турсая! Жўжагинам мана бу тошни тагидан чиқишимга ёрдам бер.

Жўжача: Вой, бу тошни кўтаришга кучим етмайди-ку онажон.

Илон: Мана бу томонидан озгина кўтариб турсанг бас, чиқиб оламан.

Жўжача: Хўп ҳозир, мана-мана...(чувалчанглар чиқишади).

Ноно: Эй, бор, мақтачоқ!

Чумби: Ахир мен, мен... Хо... илон хола!

Ноно: Нима? Вой жўжача-ку!

Чумби: Қочдик, Ноно

Ноно: Тўхта, яширин.

Жўжача: Чиқинг, чиқинг онажон (Илон вишшилаб жўжача бўйнига ўралиб олади) Ия, нима қиялпсиз, онажон?

Илон: Сен хафа бўлманг-ку, лекин менинг қорним оч!

Жўжача: Бўпти мен сизга ҳозир мевалардан олиб келаман.

Илон: Йўқ, кўпроқ «жўжачаларни» ёқтираман.

Жўжача: Тушунмадим? Хали мени емоқчимисиз, онажон? Ўз болаларини ейиш одобдан эмас.

Илон: Баъзида ўз болалариниейишади бўтам!

Жўжача: Йўқ, юз боласини ейиш мумкин эмас.

Илон: Мумкин, ҳали ейиш мақини қилишим керак.

Ноно: Чумби жўжачага тезроқ ёрдам беришимиз керак.

Чумби: Эй , Ноно, юр бу ердан кетайлик, энди уни барибир қутқариб бўлмайди.

Ноно: Ахир у бизни, қолаверса ёвуз илон холани ҳам тош тагидан қутқардику!

Чумби: нима бўпти, ёрдам де билон холани чангалидан ўлиб кетаверамизми?

Ноно: Ношукур экансан Чумби агар бизни қутқармаганда бу ерда турмаган бўлардик. Сени билмадим-ку, лекин мен ёрдамга бораман.

Чумби: Тўхта, қаёққа кетаяпсан? Майли, мен ҳам бораман.

Ноно: Баракалла, ҳақиқий дўст шунақа пайтда ёрдам бериш керак.

Чумби: Мени ҳақиқий дўст дедими? Ростданми? Ноно мен-Да бита таклиф бор. (гаплашишади)

Ноно: Яшавор Чумби (чиқиб кетишади)

Жўжача: Ва-а сизга ёрдам бердим-ку. Шунда ҳам еяверасизми?

Илон: Қорним очганидан кейин еявераман-да!

Жўжача: Анув...Овқат топаман деб ҳамма ёғимни лой, кир қилибман, шунда ҳам еяверасизми?

Илон: Ҳа, шунда ҳам еявераман.

Жўжача: Сиз менинг онам эмассиз, очкюз қуш экансиз! Менинг онам чиройли, узун яна рахмдил ва меҳрибон бўлиши керак.

Илон: Тўғри топдинг жўжача мен хамиша сенга ўхшаган Кичкинтойларга қирон келтирадиган илон холанг бўламан.

Жўжача: Илон холам?

Илон: Ҳа, жонгинам, Илон холангман.

Жўжача: Онажон қаердасиз, мени қутқаринг. Илон хола мени еб қўяман деяпти.

Илон: Сен қанча бақириб-чақирсанг ҳам ҳеч Ким овозинг-ни эшитмайди. Менинг жўжагинам! (Шу пайт пастдан шовқин-суронли мусиқа овози эшитилади, чувалчанглар, «Овчилар» кийимини кийишиб, найза арқон олишиб сакраб ўйнашади) Ия, бу нима шовқин бўлди? (қарайди).

Чувалчанглар қўшиғи: Биз овчилар, овчилар
Минг йиллик йўловчилар

Илонларни тутамиз
Сўнг гўштини сотамиз.
Бизни кўрса ўзлари
Довдирайди кўзлари
Ўқ илону, бўғмаси
Кўрқоқ, улар ҳаммаси.

(Вахший овчиларни кўриб илонни титроқ босади)

Жўжача: Илон холла сизга нима бўлди

Илон: Эй, жимбўл, Яна улар эшитиб қолишмасин (яширинади).

Жўжача: Ҳой овчилар бу ёққа келинглар, илон холамнинг
мазаси қочиб кетяпти.

Илон: Хали шошмай тур, сен билан кўп учрашамиз!

Жўжача: Қаёққа кетаяпсиз холажон, мени гўштимдан
тотиб кўрмайсизми? Ҳа, ҳа...рахмат сизга
овчилар. Мени ўлимдан қутқариб қолдингиз.

Ноно: Йўқ, бизни бояги қурт чангалидан қутқарганинг
учун сенга рахмат.

Чумби: Сен довюрак жўжача экансан.

Жўжача: Сиз хақиқий дуст экансиз (хохласанглар мен сизларни елкамда сайр
қилдираман).

Чумби: Биласизларми дўстларим, мен анави кўлмакда
бир чиройли, узун.

Ноно: Вой яна илонми?

Чумби: Эй йўқ! «Чиройли, узун бир қуш»ни кўрган эдим.
Балки, у сенинг онангдир, Жўжача?

Жўжача: Ростдана? Унда тезроқ онамни топайлик.

Ноно: Кетдик!

Чумби: Кетдик!

Д.Собуровнинг «Африка қўшиғи» пьесасига режиссёрлик таҳлили

1-мавзу:

Бировга оғир, қийин пайтда у билан бирга бўлиш ва яхшилик қилишга ундайди. Спектакл «Дўстликни улуғлаш» хақида.

2-ғоя:

Яқинларга бўлган меҳр-муҳаббат. Бу мавзу билан боғлиқ.

3-жанр:

Табиат ҳар йили янгиланади, демак у ҳам ҳар йилда бир марта болалардек шўх ва ўйноқ хусусиятга эга. Болалар ҳам худди шундай «шўх ва ўйноқ» эртакларни ёқтирганликларини эътиборга олиб, спектаклимизнинг жанрини «эртак-ча» деб аниқлаймиз.

4-стиль:

Спектаклнинг стильини аниқлашда Африка табиатига суяниб ишладик. Колорит, музыка. декорация ва кўғирчоқлар шартли ҳал қилинган, лекин томошабин шу спектакль Африка хақида эканлигига ишонади. Эртак асосидаги сценарий жажжи томошабинлар учун ўйноқ, маиший-ижтимоий тушунарли тилда ёзилган. Масалан, қахрамонлар отлари: Ноно, Чумби болалар тилидан олинган.

5-мақсад:

Спектакл кўргач, томошабинлар чиройли ва ғаройиб Африканинг эртаклар дунёсидан таъсурот билан чиқишини ва шундан таъсирланиб, табиатга бўлган меҳрини ошишини истаймиз. Табиатни севган одам дўстликни қадрлайди ва дунёда дўстликдан қудратлироқ ва қимматлироқ куч йўқлигини тушуниб етади.

6-Асосий қарама-қаршилик:

Эртакдаги жажжи қахрамонлар, уларнинг таъсирчан ва тоза дунёсининг кир, купол, лекин улар учун тушунарсиз бўлган дунё билан тўқнашиву, яъни бу дунёда ҳиссиёт ва ҳаёлот кечинмалари эмас, балки «қорин» муаммоси ҳукум суради. Болалар чиройли, гўзал табиатнинг мўъжизаларини қийинчиликларсиз ўрганишга ҳаракат қилишади, лекин бу дунёда «қариган» ҳаётни тушуниб, унинг гўзалликларини кўра олмайди ва тан олигси келмайди.

7-спектакл образи:

Спектаклнинг сахнавий ҳал қилишда бутун воқеа ва қахрамонларнинг хатти-ҳаракатлари очикдан-очик табиат кучоғида кечишдан келиб чиққан ҳолда спектаклнинг образини «Африка табиатининг туғилиши» деб номласак янглишмаймиз.

8-Спектаклнинг олий мақсади ва режиссёрнинг калити (сверхзадача спектакля и ключевое режиссёрское решение) Дўстларга яхшилик қилиш, дўстлик меҳрини бериш ва улар билан янада яқин бўлиш.

Спектаклнинг олий мақсади дўстингнинг оғир кунида у билан бирга бўлиш.

Режиссёр талқини: Болалар дунёси, уларнинг ҳаёт ва табиат гўзалликларига интилиш, ҳаёт оламидаги гўзалликларини топишга бўлган ҳаракатлари орқали юқори даражани яъни ҳиссиёт оламида учиб ҳаракат қилмайдиган ва учолмайдиган, гўзалликни тушунмайдиган, кўпол, захарли, кир ва факат «қорни» учун яшайдиганлар дунёсини пастки планда кўрсатамиз. Спектаклда қаҳрамон дунёсини иккинчи планда ҳал қиламиз. Бу планнинг мезансценаси ва сахнавий ҳал қилишимизда ҳам аниқ ва ойдин кўриниб турибди.

9-Етакчи хатти-ҳаракат ва қарама-қаршилик.

Ноно, Чумби ва Жўжача қанақа қаршилик ва тўсиқлар бўлишига қарамай бирга бўлишни хошлашади.

Ноно-дўстларига ёрдам бериш

Чумби-дўстларидан ажралиб қолмаслик.

Жўжача-ишониш ва ҳаётни ўрганиш.

Қурт-ўзининг нафси учун безбет.

Илон хола-кимнидир алдаш.

Етакчи хатти-ҳаракат

Керак бўлса қўлидан келганича ёрдам беришга интилиш.

Қарама-қаршилик

Ўзиникини ўтказиш, алдаш ва ейиш.

10. Бўлакчалар (разделение спектакля на части)

1. «Ҳақиқий халоскор»

2. «Қопқон»

3. «Чиройли қуш»

11. Воқеалар тизмаси (собўтийнўй ряд)

1. Арвоҳ хола

2. Ҳақиқий халоскор

3. Қопқон

4. Овчилар

5. Чиройли қуш.

12. Сахнавий талқин ёки вақт ва муҳит ечими.

Африка табиати бизга қандайдир ернинг думалоқлигини эслатади. Шунинг учун биз декорацияни ер шаклида яратишга ҳаракат қилдик. Биз ҳаётни бир узилмас «спиральга» ўхшатамиз. Бу «спираль» ҳаётнинг қайнаган нуқтасига чиқгач уади ва бошқатдан ҳаёт бошлайди. Сахнавий талқин спектаклнинг образи билан боғлиқ ва икки планда ҳал қилинган. Юқорида ҳаётнинг ҳамма қийинчиликларини ўрганишга ҳаракат қилаётган болалар дунёси ва пастда кўпол, алдоқчи, ёвузлар дунёси.

13. Спектаклнинг мизансцена ҳусусиятлари (принцип мизансценирования)

Спектаклнинг мизансценасини мавзу, ғоя, жанр ва спектаклнинг кучайишидан келиб чиққан ҳолда белгилаш керак.

Спектаклнинг ижобий қаҳрамонлари: «Ноно, Чумби, Жўжачалар» табиат гўзалликлари ва қийинчиликларини ўрганишга ҳаракат қилаётган ёш болалар.

Натурага қараб чизиш, натурага қараб яшаш-рассом ҳайкалтарошларни ўқитишнинг зарур босқичларидан биридир. Инсон тана пластикасини ўрганиш учун қўғирчоқ театри актёри ҳам музей ва кўргазмаларни томоша қилиши, ҳайвонот боғидаги ҳайвонларни, табиатни кўп кузатиши ва кўрганларини эсда олиб қолиши зарур. Рассомлар каби актёрлар ҳам қўғирчоқда унинг анатомияси ва ҳаракат техникасини ўрганишлари керак. Шу билан бирга мувозонат қонунларини, таянч нуқтасини, пластик имкониятларини билишлари мақсадга мувофиқдир. Қўғирчоқбоз актёр учун фақат бугина эмас, балки бир ҳолатга ўтишдаги ҳаракатни кузатиш ва қўғирчоқда шуни акс эттириш лозим. Масалан, тик туриш ҳолатидан ўтириш ҳолатига, юришдан югуриш ҳолатига, ўтириш ҳолатида ётиш ҳолатига ўтиш ва ҳакозо...

Албатта буни музей ёки кўргазмаларда кўра олмаймиз. Ҳаётдачи? Ҳаётда бу ҳаракатлар биз учун оддий ва улар шунчалик тез бажариладики, бунга кўпинча аҳамият бермаймиз. Масалан, қариялар бу ҳаракатларни аста-секинлик билан бажарадилар. Чунки улар анча эҳтиёткор бўладилар. Мана шунинг учун ҳам натурага мурожат қилишга, уни кузатишга тўғри келади. Баъзида ишнинг услуби норозилик келтириб чиқаради. Нима учун инсон ҳаракатидан нусха кўчириш шарт? Ахир баъзи қўғирчоқлар умуман инсонга ўхшамайдилар. Уларнинг ҳаракати ҳам инсон ҳаракатидек эмас. Масалан баъзи қўғирчоқлар белидан эгилмайди, уларнинг қўллари шунчалик калтаки улар бирор предметни ушлай олмайдилар, уларнинг кўзлари битта, оёқлари битта ёки умуман бўлмаслиги мумкин. Улар ўтира олмайдилар, юра олмайдилар. Нима учун инсонга тақлид қилиш керак. Шунинг учун-ки, ҳайвонлар, ҳашоратлар, фантастик жонзодлар хулқ-атворида, инсоний хатти-ҳаракатлар йўқ.

Масалан, масални олайлик. Масалдаги ҳар бир ҳайвон аниқ бир инсон характери ифодалайди. Қўғирчоқ театрида ҳайвон пластикасидан тез-тез фойдаланилади. Шу билан бирга ҳайвон -қўғирчоқ учун инсон биомеханик

ҳаракат қонуни ишлатилади. У ҳам ўтиради, икки оёқлаб юради, овқатни қошиқ билан олиб ейди. Қўллари билан ҳар қандай ҳаракатларни бажара олади. Хуллас, кўғирчоқ театрига келиб у ерда спектакл ёки эстрада номерларини кўрган ҳар бир томшабин, ўзига таниш, ёки нотаниш образда инсон характери мужассамлигини кўради. Бу эса ўша образ пластикасини, ҳиссий ҳолатини тўғри бера олган актёр учун катта ютуқдир. Кўғирчоқбоз ўзининг ички ҳаёт бойлигини қўллари орқали кўғирчоқ ҳаракатида кўрсатади. Актёр қўллари орқали ташқи ҳаёт билан алоқага киришади. Ҳаётда инсонлар қўли билан қилинмайдиган нарсалар, актёр кўғирчоқбоз қўли билан амалга оширилади. Кўғирчоқ театрининг яна ўзига хос, бетакрор томони шундаки, унда актёр кўғирчоқсиз, яланғоч қўллари билан ҳам саҳнавий образ ярата олади. Кўғирчоқсиз қўллар орқали образ яратиш қадимги Хитой, Эронда ва бизнинг давримизда С.В.Образцов, француз актёри И.В.Жолиэ томонидан концерт номерларида фойданилган. Бу номерларда турли рангдаги қўлқоплар ва бармоққа кийиладиган шарчаларадан фойдаланилган. Ҳозирда Тошкент санъат институти, «кўғирчоқ театри санъати» кафедраси мураббий устозлари талабаларга қўл ҳаракати ва пластикасини ўргатиш билан қизиқарли томоша номерлари яратиш устида ишламоқдалар.

Бундай образларни яратиш, кўғирчоқ ушлаб образ яратишдан олдинги жараён бўлиб, жуда мураккаб йўналиш ҳисобланади. Бу йўналиш талабалардан ўта талабчанликни, маъсулиятни, бой тасаввурни ва кучли маҳоратни талаб қилади. Кўғирчоқ билан ҳаракат қилиш, бирор образ яратишдан олдин талабалар бу жараённи ўзлаштирмоғлари зарур. Актёр моҳир қўл билан ишлаш устаси бўлиши учун аввал унинг қўллари бой пластикага эга бўлиши керак. Актёр қўли саҳнада икки хил вазифани бажаради:

1. Акс эттириш
2. Ҳаракат қилиш

Масалан, саҳнада ҳаракатсиз қўл орқали акс эттирилган кучук боши. Ҳозир у акс эттириш вазифани бажаряпти. Бундай тасвирларни истаганча кўрсатиш мумкин. Мана, бармоқлар ҳаракатга келиб, кучукнинг вовиллаётганини кўрсатди. Унинг оғзи қанчалик қимирласа жаҳлдор кучуклиги маълум бўлади. Агар бу ҳаракатга товуш ҳам қўшилса, образ янада жонлироқ чиқади. Тасвирнинг бу тури, тасвирий санъатнинг бошқа турларидан нимаси билан фарқ қилади? – деган савол туғилади.

Санъат асари яратувчиларнинг ҳаммаси жонсиз материаллардан фойдаланадилар. Бу ерда эса, тирик инсон қўллари. Бу қўллар акс эттириб, шу билан бирга ҳаракат қилса, энди улар кичик актёрларга айланадилар. Демак, улар ҳам яратувчи, ҳам актёрдирлар.

Қуйида қўл ҳаракати билан яъни яланғоч қўллар орқали бажарилиши мумкин бўлган баъзи этюдларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

1. «Озодлик».

Талаба икки қўлининг бош бармоқлари туташади. Қолган бармоқлар эса ўргимчак оёқларини акс эттиради. Саҳнада ўргимчак тўр тўқимокда. Мана у тўр тўқиб бўлди. Энди ўзини четга олиб ўлжа илиниши кутяпти. Саҳнага икки бармоғи тутшиб, қолган бармоқлари қанотларини акс эттирган капалак учиб

чиқади. У сахнада кўлда акс эттирилган очилган гулларга кўниб, учмоқда. Мана у эҳтиётсизлик қилиб ўргимчак тўрига илиниб қолади. У қанотларини қоқиб озодликка интилади. Лекин бунинг иложи бўлмайди. Тўрга ўлжа илинганини сезган ўргимчак секин аста яқинлаша бошлайди. Шу пайт қаттиқ шамол кўтарилади. Гуллар ҳар томонга чайқаладилар. Шамолнинг қаттиқлигидан ўргимчак қочиб ўзини панага олади. Тўр йиртилиб кетади ва тутқинликдаги капалак озодликка чиқади. Шамол тинади. Капалак яна гуллардан гулларга яйрайди.

Бу этюдда бир неча талаба иштирок этади. Этюдни бажараётганда каршингдаги партёрни ҳис қилиш, унга муносабат билдириш ва бир-бирига ҳалақит бермасликка ҳаракат қилиш зарур. Этюд янада жонли ва қизиқарли чиқиши учун ҳар хил товуш ва мусикалардан фойдаланилади. Чунки мусика этюддаги воқеаларни бўрттириб кўрсатишга ёрдам беради.

2.«Яйловда». Яйловда кўйлар подаси ўтлаб юрибди. Бунда яланғоч кўйлар муштим қилиб тугилади. Бош бармоқ кўй бошини акс эттиради. Яйловда уларни кучук кўриқлайди. Албатта кучукни ҳам кўллар тасвирлайди. Узоқдан бургут кўринади. Кўйлар бесаранжом бўла бошлайдилар. Бургут орқада қолиб кетган кўзичокни кўтариб учмоқчи бўлади. Буни сезган кучук ёрдамга келиб бургутга ташланади. Жароҳатланган бургут бир учиб, бир кулаб йироқлашади. Кўзичок ўз онаси олдига югуриб кетади. Бу этюдни ҳам бир неча одам бажаради. Этюд бажарилаётганда машқлар албатта бир зум тасвирлаш ҳолатига ўтиш ва кейинги машқ бажарилиши лозим. Бу жараён бутун этюд давомида такрорланиб туради. Бу ҳолатга риоя қилинмас экан, ҳаракатлар аниқ, тушунарли бўлмайди ва кўғирчоқ театрида энг асосий унсур ҳисобланган «тўхташ нуқтаси» яъни бир ҳаракат тугалланиб, иккинчисининг бошланиши содир бўлмай қолади. Масалан, юқоридаги этюдда бир ҳаракатдан, иккинчи ҳаракатга ўтиш пайтида олдин кўллар кўйларни тасвирлайди, шундан сўнг ҳаракатланиш ҳолатига ўтиб жонлантирилади. Бургут ҳам учиб келиб кўзичокни кўрган пайтда у тасвирлаш ҳолатида бўлади. Шундан сўнг ҳужум бошлайди яъни ҳаракат қилиш ҳолатига ўтади. Бу жараёни талаба олдин ўзининг ички кўзгусида аниқ кўриб, кейин тасаввур этиб, кўл пластикасини орқали ифодалайди.

3. Мана, Яна бир этюд «Оролдаги воқеа».

Қайиқда бола балиқ овламоқда. Қайиқни, болани, кўллар тасвирлайдилар. Тўлқинлар ҳам кўл пластикаси орқали бажарилади. Шамол туриб, тўлқинлар қайиқчани чўктириб юборади ва тўлқин болани оролчага чиқариб ташлайди. Бола ўзига келиб оролни кузатади ва нима қилишини билмай турган пайтда узоқда кема кўринади. Бола қанчалик қақирмасин уни кемадагилар эшитмайдилар, бола ўзини сувга отиб, кема ортидан сузиб кетади. Лекин унинг қаршисидан оч акула чиқиб қолади ва болани қувлайди. Бола оролга қараб суза бошлайди ва соҳилга чиқиб олади. Акула ҳам тез сузганидан қуруқликка чиқиб қолади ва сувсизликдан типирчилайди. Болани акулага раҳми келиб, уни итариб сувга туширади ва ўз навбатида акула ҳам хурсанд бўлади. Болани белига ўтиришга таклиф этади. Бола ўтиргандан сўнг улар биргаликда кема ортидан сузиб кетадилар. Бу кўринишларда, яъни кўлнинг тасвирловчи хусусиятда бармоқлар орқали маълум бир предметни ифодаловчи актёр - ҳайкалтарошдир.

Кўлга кўғирчоқ олиб, роль устида иш бошлашдан олдин, у ҳоҳ профессионал актёр бўлсин, ҳоҳ ҳаваскор бўлсин, актёр санъати табиати нимадан иборат эканлигини яхшилаб англаб олиш керак. Бунинг учун эса, албатта юқоридагига ўхшаган этюдлардан фойдаланиши зарур. Мана шуларгина уни кўғирчоқ билан роль устида ишлашга ўргатади. В.Штейн шундай ёзган эди: «Кўғирчоқлар билан бажариладиган машқ ва этюдлар актёр кўғирчоқбоз учун алифбодир. Буларни яхши ўрганмасдан туриб, ҳеч қачон катта ва қийин спектакл устида ишлаб бўлмайди». Этюд драматургия талабларига тўлиқ жавоб бериши керак. Унда тугун, кульминация ва ечим бўлиши керак. Дастлабки, бажариладиган этюдлар иложи борица сўзсиз бўлиб, унда эътиборни қўйилган мақсадга эришиш учун қилинадиган жисмоний хатти-ҳаракатлар кетма-кетлигига қаратиш зарур. Юқорида айтганимдек, кўғирчоқларни кўғирчоқбоз актёрлар бошқарадилар. Одатда кўғирчоқ бошқараётган актёрларни томошабин кўрмайди. Чунки улар ширма орқасида турадилар. Лекин шундай театрлар ҳам борки, масалан Японияда, кўғирчоқбозлар қора ҳалатлар кийиб сахнада ўз кўғирчоқлари билан пайдо буладилар. Ўз навбатида томошабинлар актёрларни кўриб турсаларда, уларни илғамасликка розилар. Томошабинларнинг диққатини ранг-баранг кийинган ва ҳаракат қилаётган кўғирчоқлар ўзига шунчалик тортадики, ҳақиқатдан ҳам оз фурсатдан сўнг улар ҳар бир кўғирчоқни уч киши бошқарса ҳам, актёрларни эсдан чиқарадилар. Кўғирчоқ бошқаришдаги, уни олиб юришдаги катта маҳорат томошабинларни спектаклда кўғирчоқбоз актёр иштирок этаётганини эсдан чиқаришга мажбур қилади. Бу эса барча кўғирчоқ театрларида ишлаётган кўғирчоқбоз актёрнинг юксак маҳоратидан далолат беради. Бунга қандай эришиш мумкин?

Замонавий кўғирчоқ театрларида актёрлар ҳар хил турдаги, тузилишдаги кўғирчоқлардан фойдаланадилар. Булар қўлқопли кўғирчоқлар, симли кўғирчоқлар, планшет кўғирчоқлари, маскалар, соя театри кўғирчоқлари ва ҳаказо. Тузилиши жиҳатдан оддий бўлган кўғирчоқлар «қўлқопли» кўғирчоқлардир. Бу кўғирчоқлар бош, тана (яъни кийим кийдирилган қопча) қўл ва баъзида оёқдан иборат. Бош ҳар турли материалдан, ёғочдан, папье-машедан ёки латтадан қилиниши мумкин. Бошдан бўйин учун тешик очилади ва у ерга материалдан бармоқ учун қўлқопча ёпиштирилади. Бош танага уланади. Тана учун тикилган қоп кенгрок, актёр қўли бемалол ҳаракатланиши учун қулай бўлиши керак. Қоп четида тешик қолдирилади. Бу ердан ўрта ва бош бармоқ икки қўл учун чиқарилади. Устига кийдирилган қўйлакда кўғирчоқнинг енг ва қўлчалари бўлади. Қўл учигаги патрон-трубкалар ҳам актёр қўлларига мос тушиши керак. Кўғирчоқларни грим қилиш учун ёғли бўёқ, елимли бўёқ ва акварель бўёқлари ишлатилади. Соч, соқол ва мўйловлар турли меҳлардан, мочалка ва иплардан қилинади. Ҳақиқий инсон сочларини ишлатиш мумкин эмас. Чунки бу сочлар табиий бўлиб, бошқа материаллардан қилинган, бошга мос тушмайди. Бошнинг размери 10 смдан 20 см атрофида бўлади. (Бу ўз навбатида ўйналаётган образнинг бола ёки катта кишилигига, озғин ёки семизлигига боғлиқ). Кўғирчоқ олиб юришни яхши эгаллаш учун кўғирчоқбознинг қўли никоб ичида эркин ҳаракат қилиши, кўғирчоқнинг эгилиши, бош ва қўллари билан машқларни бемалол бажаришга эришишлари

керак. Қўлқопли қўғирчоқни актёр яхши бошқара олиши учун у, биринчи навбатда, қўғирчоқни дастлабки ҳолатда тўғри ушлаб туриш керак. Берилган тахминий ердан тушиб кетмаслик, юқори чиқиб кетмаслик, қийшаймаслик, бош кийдирилган кўрсаткич бармоқни жуда тик тутмаслик ва бир маромда тутиш, қўлларни доим ёйиб турмасликка ҳаракат қилиш ва ўрганиш зарур. Бу заруриятлар жуда оддий туюлсада, баъзида малакали қўғирчоқбозларда ҳам шу камчиликларни кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам шошмасдан, диққат билан қўғирчоқни дастлабки ҳолатда эркин тута олишга эришмоқ лозим.

Қўғирчоқни дастлабки ҳолатда эркин тутишни ўргангандан сўнг, қўғирчоқбоз кейинги бир қатор машқларни бажаришга киришади. Булар қўғирчоқнинг тана ҳаракати, бош ҳаракати ва қўл ҳаракати билан боғлиқ машқлар. Албатта бу машқларни бажариш учун актёр бармоқ, билак, тирсак, елка билан боғлиқ ҳаракатларни бажариши лозим. Бу ҳаракатлар оддий ҳаракатлар дейилади. Бунда қўғирчоқни эгилиши билан боғлиқ машқни бажариб кўриш мумкин: Қўғирчоқ қўлини кўксига қўйиб саломлашяпти. Бу машқни бажараётганда актёрнинг бош кийдирилган кўрсаткич бармоғи бир оз олдинга эгилади. Бу машқни бир неча бор, иккала қўлда такрорлаш керак. Энди бош ҳаракати билан боғлиқ машқ: масалан қўғирчоқ учиб юрган капалакни кузатаяпти. Капалак юқорига, пастга, айланма ҳаракатлар қилиб учади. Ана шунда бошни ҳаракатга келтириб, капалакни кузатиш мумкин. Бу машқни бажаришда сизга ёрдамчи керак бўлади. Капалак ясаб олиш жуда осон. Бунинг учун қармоқча ясайсиз ва леска учига қоғоз бойлаб қўясиз. Машқни капалаксиз, ҳаёдан, тасаввур қилиб ҳам бажариб кўриш мумкин.

Қўллар ҳаракати билан боғлиқ машқ: Масалан, қўғирчоқ жисмоний тарбия машқларини бажараяпти. У «бир» деганда қўлларини ёзади, «икки» деганда уларни бирлаштиради. Бу машқ ҳам бир неча марта такрорланади. Машқни бажараётганда билакнинг эгилиб кетмаслигига эътибор бериш керак.

Қўғирчоқнинг ўтириш ва туриши билан боғлиқ машқ. Машқни бажариш учун қўл билакдан олдинга эгилади. Бунда қўғирчоқ энгашади. Озгина орқага сурилиб, стул ёки ерга шу ҳолда етгандан сўнг, қадди ростланади.

Қўғирчоқ тураётган худди шу машқ аксинча бажарилади. Яъни қўғирчоқ энгашади (актёр қўли билакдан эгилади) ўтирган жойидан туради ва қадди ростланиб тик турган ҳолга келтиралади. Қўллар ва бошнинг дастлабки ҳолатда қолишига эътибор бериш зарур. Бу машқларни иккала қўлда бажаришни унутмаслик керак. Тўғри, иккала қўлда баробар ишлай олиш учун кўп меҳнат талаб қилинади. Ҳақиқий, маҳоратли қўғирчоқбоз бўламан деб орзу қилган талаба бу қийинчиликлардан кўрқмай, чин дилдан меҳнат қилиши ва мақсад сари интилиши зарур.

Бошқа турдаги қўғирчоқларга қараганда қўлқопли қўғирчоқлар жуда ҳаракатчан, ихчам ва енгилдир. У предметларни ушлашга, олишга ва беришга уста. Замонавий қўлқопли қўғирчоқларни янада такомиллаштириш мақсадида оғзи очиладиган, кўзлари юмиладиган қилишга эришганлар. Бу қўғирчоқларни замонавийлаштиришга, ўзгартиришга ҳаракат қилганлари билан қўғирчоқ ичида ўйнаётган актёр қўли бошқа имкониятларга эга эмас. Шу билан бирга қўлқопли қўғирчоқлар жуда кичкина ва жуда катта ҳам бўла олмайди. Бу актёр қўлқопли

панжалари ўлчамига мос келиши керак. Қуйида қўлқопли қўғирчоқ ва предмет билан ишлаш мумкин бўлган бир неча этюдни ҳавола этмоқчимиз. «Қиз ва копток». Шўх мусиқа янграйди. Саҳнага ёрқин рангдаги копток думалаб чиқади. Копток оркасида шўх қизалоқ югуриб чиқади. (копток симга уланган бўлиб, уни кўмакчи ҳаракатга келтиради.) Ҳар гал секинлик билан темпни кучайтиради. Девор ёнига келиб деворга коптокни отади ва илиб олади. Энди девор ёнидан кетиб, ҳавога коптокни отиб илиб олади. Ҳар гал отганда юқорида отишга интилади ва илиб олади. Бир отганда чапак чалиб, сўнг илиб олади. Иккинчи бор отганда, турган ерида айланиб, сўнг илиб олади. Энди коптокни бор кучи билан юқорига отади. Мусиқа тўхтаб қолади ва копток ҳам ҳавода муаллақ осилиб туради. Қизча қўлларини силкитиб, коптокни тушишга чақиради. Энди у нима қилишини билмай атрофга қарайди. Мусиқа янграйди ва копток ерга тушади. Қизча коптокни илиб олади ва кучоқлаб чиқиб кетади.

Этюдни бажаришда албатта ижрочи қўғирчоғининг ҳаракати кетма-кетлигини билиши зарур. Актёр берилган шарт-шароитда бажарилиши лозим бўлган вазифани аниқ билиши керак. Қизчага копток совға қилишди. Бу копток унга жуда ёқди. Чунки у худди шундай коптокни орзу қилган эди. Қизчанинг вазифаси ҳозирок коптоғининг қандай сакрашини синаб кўриш. Ўзининг чаққонлиги ва эпчиллигини синаш. Унинг шошилганини-қизчанинг саҳнага чиқиши билан ширма этагидаги ҳаракатидан- ўйнашидан билиш мумкин. Бу ерда ижрочи ўз қўғирчоғи-образининг ҳар бир ҳаракатини мукамал ўйлаб чиқиши зарур. Бу қўғирчоқ қўлқопли бўлганлиги учун унинг ҳаракатлари чаққон ва тез. У қайтарилишга уста, қўлчалари билан тез ҳаракатлар қилади, коптокни отиш ва илишда тез муносабат билдиради. Хулоса шуки, предмет ва қўғирчоқ билан мана шундай этюдлар бажарганда аввалам бор персонаж -қўғирчоқнинг асосий вазифасини аниқлаш, берилган шарт-шароитни аниқлаш, қўғирчоқ нима қиляпти, яъни шу ҳаракатни у қандай бажаряпти, ана шуларни текшириб кўриш зарур. Яна бир этюд «Қулоқсиз гиламча» деб аталади. Саҳнада мушукча пайдо бўлади ва ўзининг орқасида думалоқ қилиб ўралган гиламчани судраб чиқади. Гиламчани ширма этагига қўяди. Яхшилаб керишади ва эснайди. Энди у гиламчани ёзишга киришади. Гиламчани қийналиб ёзиши билан иккинчи томони айланиб, йиғилиб қолади. У гиламчага хайрон бўлиб қарайди ва яна уни ёзишга киришади. Шу маҳал гиламнинг иккинчи учи яна ёпилиб мушукчани итариб юборади. У нариги томонга ошиб тушади ва лат еган жойини силаб қўяди. Энди у эҳтиёткорлик билан келиб, гиламчани ерга каттиқ босиб, сантиметрлаб охиригача очади. Гилам жим турибди. Мушукча хурсанд ва мазза қилиб керишади. Бир вақт гиламча тезлик билан икки четидан ўртага қараб йиғилиб қолади. Мушукча жаҳл билан миёвлаб гиламчага ташланади. Ўртага туриб бир бу ёғини бир у ёғини очишга интилади. Лекин гиламча қулоқ солмайди. У қийинчилик билан гиламчани ёзади ва гилам четига ўтириши билан гиламча мушукча билан бирга ўралиб қолади ва саҳнадан бирга юмалаб чиқиб кетадилар.

Бу этюд анча мураккаброқ бўлиб, ҳаракатларни аниқ ишлаб чиқишни талаб этади. Мушукча саҳнага чиқиши билан олдида қўйилган вазифани бажариши керак. Ҳамма ижрочи олдида бу этюдни бажариш учун ҳар хил мақсад қўяди. Масалан, бир ижрочи – мушукча ҳозир шу гиламчани сотиб олди, тезроқ уни

очиб гулларини томоша қилмоқчи, ўз уйчасида қандай туришини кўрмоқчи деса, иккинчи иштирокчи – мушукча ҳозир ўрнидан турди ва унинг мақсади жисмоний машқларни бажариб кўзларидаги уйқуни охиригача қувиш. У гиламчани очиб, машқ бажармоқчи. Нега деганда уни керишаётгани ҳам этюда берилган.

Олдинги ва кейинги шароитда ҳам қўғирчоқ сахнада ўз ритмида бўлади. Шунинг эътиборига олиш керакки, ҳар ким ҳар қандай тасаввур қилиши мумкин. Лекин берилган шарт-шароитдан ва муаллифнинг кўрсатмасидан чиқиб кетмаган ҳолда, албатта. Масалан, этюдда мушукчанинг «ҳайрон бўлиши»ни қандай қилиб пластик тасвирлашни ўйлаб кўриш зарур. Мушукча эгилиб гиламчага қаради, уни қўлчаси билан ушлаб кўрди, кулоқ орқасини қашлади ва яна очишга ҳаракат қилди. Гиламча мушукни туртиб юборди. У йиқилиб тушди ва лат еди. Қандай қилиб оғриётганини кўрсатиш мумкин? Бунинг қуйидагича қилиш мумкин. У урилган ерини силаб кўяди ва ҳеч нарса қилмадимикан деб, қараб кўяди. Лекин бу эпизодда кўп ушланиб қолиш ярамайди. Чунки олдинда гиламча билан уни қийинчиликлар кутмоқда.

Мана шундай этюдлар – яъни предмет ва қўғирчоқ орқали бажарилган этюдлар қўғирчоқнинг барча ҳаракат қирраларини очиб беради. Шундай этюдларни ўйлаб қанча кўп ўйнасангиз, қўғирчоқингизни шунча яхши ўрганасиз. Ширма орқасида образ яратувчи қўғирчоқ турларидан яна бири – тростли яъни симли қўғирчоқлардир. Бу қўғирчоқларни Ява қўғирчоқлари ҳам деб атайдилар. Тахминларга кўра, бу қўғирчоқларнинг биринчи вакиллари Ява оролларида пайдо бўлган. Бу қўғирчоқлар ҳам актёр қўли билан бошқарилади. Улар бир томондан марионетка яъни ип билан бошқариладиган қўғирчоқларга яқин бўлса, иккинчи томондан қўлқопли қўғирчоқларга ўхшайдилар. Тростли қўғирчоқлар қўлларига бириктирилган симлар орқали жуда ажойиб хатти-ҳаракат қилиши мумкин. Симли қўғирчоқлар қўлқопли қўғирчоқларга қараганда анча ката ва оғир бўлади. Уларнинг ҳаракат темпи қўлқопли қўғирчоқлардан анча суст, лекин марионеткалардан кўра жонлироқдир. Симли қўғирчоқлар пластикаси кенг қирралидир. Чунки уларнинг бошларини ҳаракатга келтирувчи механизм хисобига қўғирчоқлар жонлироқ ҳаракат қиладилар. Бу қўғирчоқлар жуда кичкина ёки улкан ҳажмли бўлиши мумкин. Масалан, 1947 йил Ленинград ката қўғирчоқ театрида қўйилган «Дуймчаҳон» спектаклида Дуймчаҳон образидаги қўғирчоқ инсон қўл кафтини ундан бирига тенг эди. Шу билан бирга катта симли қўғирчоқлар ҳам борки, улар инсон бўйига бир ярим баробар тенг ва бундай қўғирчоқни бир эмас, бир неча актёр бошқаради.

Актёр қўлидаги қўғирчоқни нималарга ўргатиш керак? Актёр қўлидаги қўғирчоқ юриш, сакраш, чопиш, ўтириш, туриш, ётиш, чўккалаб ўтириш, бир оёқлаб сакраш, қараш, кузатиш, эшитиш, кулоқ солиш, мўралаш, узоқларга назар солиш, рози ва норозиликни ҳаракат орқали билдиришни ўрганиши керак. Шу билан бирга у ҳар хил оғирликдаги юкни таший олишни, кийимдаги чангни қоқишни, кийим-кечагини тўғирлашни, дазмоллашни, нарсаларни илиб олишни ва беришни билиши керак. Қўғирчоқлар барча даврларга хос ҳаракатларни, саломлашиш, ҳайрлашишни, ҳар хил давр ҳаракат белгиларини бажара олиши керак, чунки улар турли замонлардаги турли миллат эртакларида иштирок

этадилар. Тростли кўғирчоқлар кўпинча одам ёки одам образини ифодаловчи жониворни акс эттиради. Инсон тик юради, шунинг учун кўғирчоқ ҳам вертикал холда ушланади. Оёқнинг пастки қисми ширма билан беркитилган бўлади. Тана ва оёқнинг кўриниб турган қисмидан томошабин унинг оёқлари қаерда турганини ўзи тасаввур қилади. Актёрнинг бир қўли кўғирчоқнинг танаси яъни кўйлаги ичида бошга уланган гапитни ушлаб туради. Баъзида бу гапит механизмлашган бўлиб, у кўғирчоқ бошини олдинга, орқасига, чапга ва ўнгга қайирилишини таъминлайди. Қўллар ён томонда эркин осилиб туради. Кўғирчоқ қўли билакларига уланган симларни актёр иккинчи қўллари билан тутиб туради. Актёр ширмага юзи билан туради. Кўғирчоқ ушланган қўл тирсаги бир оз букилган. Чунки, бу кўғирчоқнинг сахнадаги ҳаракатини, юриши, сакрашини кўрсатишда амортизация вазифасини бажаради. Актёр боши юқорига кўтарилган. Унинг кўзлари кўғирчоғини ёндан, пастдан, орқадан кузатади. Шу ҳолатда турганида актёр кўғирчоғини тўлиқ кузатиш имкониятига эга. Агар актёр ширмага тескари, кўғирчоққа юзи билан турса, кўғирчоқ ширмага жуда яқин кела олмайди ва бу ҳолат мақсадга мувофиқ эмас. Гапит кафтда эркин тисарилиб туради. Кичкина ва ундан олдинги бармоқ гапитни ушлаб туради. Бош бармоқ ва кўрсаткич бармоқлар эса, ползунокни, яъни бошни ҳаракатга келтирувчи мосламани ушлаб туради. Ўрта бармоқ эса ёрдамчи вазифани бажаради. Актёр билаклари кўғирчоқнинг бел, бўкса, гавда айланасини акс эттириб, билак эгилганда кўғирчоқ ҳам энгашади. Симларни ушлаган қўллар билан актёр кўғирчоқ қўллари ҳаракатини амалга оширади. Симлар учига цилиндр шаклидаги ёғочлар туташтирилган. Актёр кафти ўзига қаратиб очилган ва у кафтларда икки симни ушлаб туради. Актёр кўғирчоқни бошқаридаги биринчи қадамидаёқ, унинг тана, бош ҳаракатига қараб, қўлларини ҳаракатлантиришни ўрганиш зарур. Кўпчилик актёрлар кўғирчоқни дастлабки ҳолатда ушлаганда баъзи камчиликларга йўл қўядилар. Булар: кўғирчоқ корпуси ёнга, актёр томонга бироз эгилиб туради. Кўғирчоқнинг юзи актёрга қарайди. Бу ҳатога актёр кўғирчоқни тўлиқ контроль қилиш учун, ўзи билмаган ҳолда йўл қўяди ва унга кўғирчоқ тўғри тургандек туюлади. Бу ҳатоларга йўл қўймаслик учун, кўғирчоқ ушлаб, ойна олдида машқ қилиш керак. Фақат кўзгугина унга кўғирчоқ томошабинга қандай кўринаётганини кўрсатади.

Сахнада ҳаракат қилаётган ҳар қандай персонаж реал тирик жонзодни акс эттиради. Барча оёқлари билан ерга тиралиб юрадиган жонзодларда эластик пружина ҳолати бўлиб, у керак вақтда сакраб кетишга, чўчиб кетишга, тисарилишга, илиб олишга, ушлаб қолишга тайёр бўлади. Бунинг учун қуйидаги машқни бажариб кўриш мақсадга мувофиқдир. Тасаввур қилингки, сизнинг кўғирчоғингиз батут сеткасида сакраяпти. Бу машқни бажараётганда актёрнинг елкаси, тирсак ва билаги ҳаракатланади. Кўғирчоқ юқорига сакраганда билак бироз орқага қайрилади, қайтиб сеткага тушаётганда эса, билак олдинга эгилади. Шунда кўғирчоқ ҳам бироз энгашади. Кўғирчоқнинг бош ҳаракати билан боғлиқ кўйидаги машқни бажариб кўриш мумкин.

«Арғимчоқ» - бу машқда кўғирчоқ қаршингизда тўғри кўтарилган, унинг боши узлуксиз ҳаракатда, чунки у арғимчоқни чайқалишини кузатаяпти. Аввал арғимчоқ секин чайқалади. Аста-секинлик билан тезлашади ва юқорироққа

кўтарилади. Ана энди, у, секинлаша бошлайди ва охир-оқибатда тўхтайди. Мусиқа жўрлиги машқнинг темпоритмини белгилаб беради. Яна бир машқ «кўзгу» деб аталади. Бу машқ икки талаба билан бажарилади. Бир талабанинг кўғирчоги иккинчи талаба кўғирчоғининг кўзгусидаги акси. Ўртага кўзгуни акс эттирувчи рамка қўйиш мумкин. Бунда бир кўғирчоқни ҳаракатини ойнадаги тасвирдек синхрон бажаришга ҳаракат қилиб кўриш мумкин. Машқни бажаришдан олдин партнёр билан берилган шарт-шароит ва унинг мақсадини келишиб олиш керак. Баъзи ҳаракат техникасини қандай бажаришни ўйлаб, келишиб, бир қарорга келиб олиб, сўнг машқни бажариш мақсадга мувофиқдир. Агар ўйлаб кўрсангиз, бу машқдан охири қизиқарли ва фантастик ечимли ажойиб этюд ҳосил қилиш мумкин. Кейинги машқ «Тарсаки» деб аталади. Машқни бажариш учун икки кўғирчоқ керак бўлади. Бир кўғирчоқ иккинчи кўғирчоққа ўнг қўли билан тарсаки туширди. Бунда унинг кўз қараши қаршисидаги кўғирчоққа йуналган бўлади. Ўнг қўл ёнга ёзилади, шу билан бирга гавда ҳам бир оз ёнга қайрилади. Тез ҳаракат билан ўнг қўл олдинга боради ва тарсакини амалга оширади. Бунда тарсаки еган кўғирчоқ қимирлаб кетиши ва икки қўллаб чаккасини беркитиб олиши керак.

Тарсаки туширган кўғирчоқ қўллари ёзиб, орқага гавдаси билан бир оз бурилганда актёрнинг билаги ўз ўқи атрофида айлангандек бурилади. Иккала қўлнинг симлари актёрнинг иккинчи қўлида бўлади. Тарсаки туширувчи қўл тростини актёр бош бармоқ ва кўрсатгич бармоғи билан ушлаб туради. Машқдаги ҳаракат техникасини ўргангандан кейин бу ҳаракатни кўғирчоқ нима учун содир этганлиги ҳақида кичик воқеа ўйлаб топиш мумкин. Бу эса тасаввурни ривожланишига ёрдам беради. Шунини таъкидламоқчиманки, машқларни бажариш учун аввалом бор ҳар бир элементни алоҳида бажариб, уларни секинлик билан мураккаблаштириб, сўнг тўлиқ машқни бажаришга кириш лозим. Олдин машқда берилган ҳаракатлар техникасини ўрганиб чиқиш, сўнг уни онгли равишда кўғирчоқнинг хатти-ҳаракатларида акс эттириш лозим. Секин асталик билан кўғирчоқ ҳаракатини ўзингиз уйлаб топган шарт-шароитлар билан бойитиб, этюдга айлантириш мумкин. Фикримизни тўлдириш учун қуйидаги этюдни айтмоқчимиз. Этюд «Ўғрини қароқчи урди» деб аталади. Бир киши тилла тўла хумчани ўғирлаб қочиб келяпти, уни шу ерга кўмиш учун жой қидиради. Бу ерга кўмса бўлмайди. Топиб олишлари мумкин. Ҳа мана бу ерга кўмади. У ён атрофида ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, қўллари билан ерни қазийди ва хумчани кўмади. Лекин унинг бу ишини дарахт орқасидан иккинчи киши кузатиб турган бўлади. Биринчи киши ўз ишини тугатиб кетади. У кўздан ғойиб бўлиши билан иккинчи киши беркинган жойидан чиқиб хумчани қазиб олишга киришади. Бойлигидан хабар олгани қайтиб келган биринчи киши воқеани кўриб иккинчи киши билан уришиб кетади. Тасодиффан келиб қолган киши уришаётганларни ва олтин тўла хумчани кўриб, гап нимада эканлигини тушунади. Хумчани олиб жуфтакни ростлайди. Этюдни бажаришга киришишдан олдин ҳар бир ижрочи берилган шарт-шароитни ўрганиш, ҳар бир кўғирчоқнинг олдида қўйилган аниқ мақсадини идрок этиши зарур. Юқорида айтиб ўтганимдек, этюддаги ҳар бир ҳаракатни алоҳида ишлаб чиқиш ва шундан кейингина умумий этюдни ишлаш зарур.

Имонимиз комилки юқорида берилган машқ ва этюдлар кўғирчоқ билан ишлаш махоратингизни оширишда, янги-янги этюд ва машқлар ўйлаб топишингизда озгина бўлса ҳам туртки бўлади. Ўз навбатида шуни айтмоқчиманки, этюдлар ҳам спектакллар яратиш ва ишланиш қонуниятига амал қилган ҳолда яратилади, ишланади. Талабалар этюдларини, машқларини ўзлари ўйлаб топсалар фантазиялари ўсади. Кўғирчоқ билан ишласалар қаршиларидаги бошқа кўғирчоқни бошқараётган партнёрга эътибор кучайиб, махоратларини оширишга ёрдам беради.

Планшет кўғирчоғини бошқариш.

Планшет кўғирчоғи актёрнинг очик равишда олиб юрадиган кўғирчоқ туридир. Планшет кўғирчоғи ўтган асрнинг 60 йилларида жуда кенг тарқалиб, оммавий тус олган. Планшет кўғирчоқнинг турлари жуда кўп, шунингдек уларнинг турларига кўра, актёр томонидан бошқарилиш усуллари ҳам турличадир. Планшет кўғирчоғининг ҳозирги пайтда асосан эстрада программаларида кўплаб учратиш мумкин. Эстрада программаларида ишлатиладиган кўғирчоқлар ҳажмининг катталиги ва ҳаракатчанлиги билан томошабинларни ўзига жалб этади. Эстрада программаларидаги планшет кўғирчоқлар таниқли ашулачиларга тақлид қилиб чиқишлари томошабинларга катта завқ бағишлайди.

Планшет кўғирчоғи билан сахнада ишлайдиган актёр кўғирчоқ билан қандай муомалада бўлиши керак. Планшет кўғирчоғининг ката-кичиклигига қараб актёр ва кўғирчоқ бир тан ва бир жон бўлиб, яъни кўғирчоқдан актёр ажралиб қолмаслиги керак. Агар планшет кўғирчоғи кичик яъни актёрдан паст бўлса, актёр кўғирчоқ ҳаракатини ўзига моҳирона мослаши зарур. Яъни планшет кўғирчоғи ва актёр ўртасида диалог бўлиши ҳам мумкин. Эстрада программасида актёр ва кўғирчоқ орасида узвий боғланиш бўлсада, актёр ҳеч қачон кўғирчоқ орқасига беркинмаслиги керак. Негаки, актёр зал билан кўғирчоқ орқали боғланиб туради.

Хулоса шуки, эстрадада планшет кўғирчоғини бошқарувчиси – актёр биринчи ўринда туради. Планшет кўғирчоғини бошқаришнинг бошқа усуллари бор. Шулардан бири-планшет кўғирчоғи ўйнатилаётганда актёр кўринмайди, бунинг учун эса сахнада ортига туширилган парда ранги актёр кийган кийим рангидан бўлиши керак. Шунда ижрочи кўринмайди. Актёр ҳам иложи борица кам ҳаракатда бўлиши керак. Яна нур воситаси билан ҳам актёрни бутунлай кўрсатмаслик мумкин.

Энди, театрларда планшет кўғирчоғининг тутган ўрни ҳақида айтадиган бўлсак, кўпчилик театрларимиз бу типдаги кўғирчоқлар билан ишламоқдалар. Театрдаги планшет кўғирчоқлар эстрадада ишлатиладиган планшет кўғирчоқлардан бошқариш йўллари билан фарқ қилади. Спектаклларда актёр кўғирчоқ билан бирга яшайди, яъни образ яратади. Шу билан бирга актёрдан катта махорат талаб қилинади. Театрда ҳам планшет кўғирчоғини катта-кичиклигига қараб актёр бошқариши ўзгариб боради. Буни қандай тушунмоқ керак. Дейлик, асарда ижобий қаҳрамон билан бирга салбий образлар ҳам бор. Салбий образ яратаётган актёр кўғирчоқни очик олиб юради. Демак. Шу образга актёрнинг ўз муносабати бўлиши шарт. Актёр кўғирчоқ билан узвий боғлаб олиб

борса, томошабиннинг диққатини ўзига қаратиши мумкин. Асар қахрамони образида актёр қахрамон билан бирга кулса кулиб, йиғласа йиғлаб, уйғун яшаши мумкин. Томошабин диққатини ўзимга тортаман деб, кўркмаса ҳам бўлади, негаки томошабин ҳам шу қахрамон билан яшаши мумкин. Баъзан планшет кўғирчоғи бошқа турли кўғирчоқлар каби актёр маҳоратини чегаралаб туради. Актёр кўғирчоқнинг имкониятини ҳисобга олган ҳолда маҳоратин кўрсатиши керак. Планшет кўғирчоқларини кўпгина симли ва қўлқопли, марионеткали кўғирчоқлардан афзалликлари ҳам бор. Бу афзалликлар планшет кўғирчоғини бошқарувчи актёр маҳоратига боғлиқ. Бу борада «Одамлар ва кўғирчоқлар» труппаси ҳақида тўхталиш мумкин. Бу труппанинг 80% спектакллари планшет кўғирчоқлари билан кўрсатилади. Уларнинг кўғирчоқлари билан кўрсатилган спектакллар жуда оммавийдирки, катталар ҳам кичикнтойлар ҳам бирдай қизиқиш билан томоша қилишади. Ҳар бир кўғирчоқни 2 ёки 3 актёр бошқаради ва бу кўғирчоқни мукамал даражада профессионал бошқариб юришларига имкон беради. Улар ҳеч қачон кўғирчоқ орқасига яширинмайдилар.

Планшет кўғирчоғи билан қўйилган спектакллар айнан кўғирчоқбозларнинг маҳоратлари туфайлигина жозибали ва қизиқарлидир. Планшет кўғирчоғини бошқарувда кўғирчоқбоз устида жуда кўп ишлаши шарт. Планшет кўғирчоғи билан қўйилган спектакллар кўпинча маска яъни ниқоб театрларини эслатади. Бу ерда кўғирчоқ билан ниқобнинг ўхшашлиги йўқмикан, деган савол туғилади. Масалан, Япон театри «Кабуки»ни кўрсак, ўхшашлик яқин, лекин уларда қўл ва бармоқ ҳаракатлари бир маънони англатади. Аммо актёр ҳаракатига назар солсак, планшет кўғирчоғига яқинликни сезамиз. Бунга бир мисол. Кимо Ситонинг «Турна пати» асари 1986 йили Самарқанд кўғирчоқ театрида қўйилди. Уч ой машаққатли ишдан сўнг, асар сахна юзини кўрди. Кўғирчоқнинг бўйи одам бўйи баробардир. Актёр ўзини яшириши керак. Шу билан бирга ҳар бир кўғирчоқни бир актёр олиб юриши керак эди. Бу эса актёрдан катта меҳнат талаб қилади. Кўғирчоқлар жуда оғир эди. Бунинг устига ҳар бир кўғирчоқда иккитадан механизм бор бўлиб, шу туфайли оғзи очилиб ёпилади, кўзлари ишлайди. Бу эса актёрдан кўшимча эътиборни талаб қилади. Ўхшашлик ҳақида гапирадиган бўлсак, кўғирчоқнинг ҳар бир ҳаракати, қараш, қулоқ солиши, қўл ҳаракати ва гапириши аниқликни талаб қилар эди. Кўғирчоқбоз планшет кўғирчоғини иложи борича ўзи ясашга ҳаракат қилиши ёки шу жараёнда иштирок этиши зарур. Кўғирчоқ нечоғлик енгил бўлса, ижрочининг қўллари толмайди. Актёр ўз бўй-бастига қараб кўғирчоқ бошқариш механизмини мослаши зарур. Масалан, планшет кўғирчоғининг боши бошқариладиган даста актёрга ноқулай, баланд ёки паст бўлса, албатта бу қийинчилик туғдиради. Шунинг учун кўғирчоқбоз ўз қўлларининг қайси баландликда қийналмасдан ишлай олишлигини қўл машқлари орқали англаб олиши зарур. Лекин сахналаштирувчи режиссёр планшет кўғирчоқларини одам бўйи баробар қилиб режалаган бўлса, актёр кўғирчоқни бошқариш дастаси қай баландликда бўлишидан қатъий назар уни профессионал даражада бажариши зарур.

Бир кўз олдингизга келитириб кўринг. Планшет кўғирчоқнинг бўйи сиз билан тенг дейлик. Бош қисмини бошқарувчи даста актёр учун қанчалик

ноқулай баландликда бўлади. Яна қўғирчоқнинг бўйига қараб вазни ҳам оғир бўлади. қўғирчоқбоз оғирлиги ўрта ҳисобда 3 килограмм бўлиши мумкин бўлган қўғирчоқни бутун бир спектакл давомида кўтариб юриш керак. Бунинг устига, айнан шу дастада механизм яъни лаб ёки кўзини ҳаракатга келтирувчи ускуна бўлиши мумкин. қўғирчоқбоз бош дастасини бир қўли билан бошқариб туриши лозим, негаки иккинчи қўли ё тана ёки бўлмаса кўлини ҳаракатга келтириб туриши керак. Дейлик қўғирчоқнинг бўйи 50 см ёки 60 см қилиб ясалган. Бундай шароитда қўғирчоқбоз бутун спектакл давомида ярим эгилган ҳолда қўғирчоқни бошқариш мумкин. Бу ҳам актёр учун қийинчиликлар туғдиради. қўғирчоқбоз сахнада планшет қўғирчоғини олиб юрганда драматик актёрларга хос бўлган кўриш ва эшитиш органлари жуда мукаммал ишланган бўлиши лозим. Яна шуни айтиш керакки, планшет қўғирчоғини бошқарувчи актёрлар ижрода, образ яратишда драматик актёрлардан устун булишади. Актёрлар планшет қўғирчоғини бошқаришини қўлқопли ва симли қўғирчоқни бошқариш билан бир пайтда бошлаши керак, зотан кейинчалик бориб театрларда қийналиб юришмасин. қўғирчоқ театри яшар экан, ундаги актёр ҳеч қачон ўзининг иш қуроли-қўғирчоғидан ажралмайди. қўғирчоқ театр ҳеч қачон ўзининг тасвирий санъат билан, мусиқавий ритмик оҳанг билан узвий алоқасини узмайди. Мана шу қурол ва ҳамкорлик асосида шундай спектакллар яратиши мумкинки, бошқа йўналишдаги театрлар унга ҳавас билан боқадилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов –Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб хисоблашар эди. Т.Ўзбекистон. 2005 й. 62 б.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида. Т. Ўзбекистон 2005 й.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Ўзбекистон 1998 й
4. М.Ашурова: Кўғирчоқ театри актёри бўлими талабаларида кўлнинг бадиий ифодалаш хусусиятини тарбиялаш. Т. 1995.
5. М.Ашурова: Актёр-создатель кукольного сценического образа. Тошкент 1995.
6. Е.Деммени: Куклы на сцене Искусство Ленинград 1949.
7. Е.Деммени: Знай и умеи Дет из.Ленинград 1960.
8. Т.П.Андрианова:Тренинг актёра в театре кукол Ленинград 1983.
9. Л.М.Шихматов. Сценические этюды» Москва. Просвещение 1966 г
10. А.Д.Попов. О художественной целесности спектакля. Москва. Просвещение 1970 г
11. М.Т.Тулаходжаева. Режиссура Узбекского драматического театра тенденции, развития и современные проблемы. Ташкент 1995 г
12. В профессиональной школе кукольника Ленинград 1979.
4. Д.М.Генкин. Массовые праздники. М.Просвещение 1975 г.
5. И.М.Туманов. Основы режиссуры театрализованного концерта. М.Просвещение 1974 г
6. К.У.Хўжаев .Саҳнага йўл. Ўқитувчи. Т. 1982 й.
7. М.Х.Қодиров. Саҳнамиз лочинлари. Ғ.Ғулом. 1986й.
8. Б.Насриддинов. Саҳна жилолари. Ғ.Ғулом.1985й.
9. М.Х.Қодиров. Халқ кўғирчоғи театри.Т. Ғ.Ғулом 1972й.
10. М.Х.Қодиров. Ўзбек театри анъаналари. Т.Ғ.Ғулом. 1976 й.
11. У.Х.Қорабоев .Ўзбек халқи байрамлари Тошкент 2002й.
12. У.Х Қорабоев. Ўзбекистон байрамлари Ўқитувчи 1991й.
13. О.З.Ризаев. Наби Рахимов.Т. Ғ.Ғулом 1997й.
14. М.Х.Қодиров. Ўзбек халқ томоша санъати. Ўқитувчи 1981й.
15. С.Образцов. Моя профессия М. Искусство. 1981.
16. Х.Ш.Абдусаматов. Театр танқид кўзгусида. Т.Фан.1993 й.
17. Ф.Аскар. Муסיқа ва инсон маънавияти. Т. ЎМЭ. 2000 й.

Г.Сапгир, Г.Циферов асари.

Ш. Хайитбаев таржимаси.

«Катта бўлишни хоҳлайман»

Қўғирчоқ театрлари учун мўлжалланган 2 пардали

8 кўринишли пьеса.

Иштирок этувчилар:

Она мушук

Мушукча-кичкина ва йўл-йўлли.

Шер-катта ёлғиз.

Жирафа-топилмалар идораси ходими

Бир қулоқли қуён.

Икки қулоқли қуён.

Капалак-ялангликда.

Филча-ойнадан қарайдиган.

Биринчи парда.

Биринчи кўриниш.

Мушук уйи. Уй деворларига йўл-йўл обой ёпиштирилган. Деворда соат осилган. Циферблатда мушук бошининг расми солинган. Тик-так, кўзлар бир бу ёнга, бир у ёнга қарайди. Стол. Кровать, кўрпа тагидан Мушукчанинг думи чиқиб турибди. Стол устида телефон, унинг трубкаси болалар шиқилдоғига ўхшайди. Тонг. Соат занг урди. «Бом!»

Мушукча: (кўрпа тагидан сакраб туради)

Бир! (биринчи оёғини эгади)

Икки! (Иккинчи оёғини эгади)

Уч! (Учинчи оёқчасини эгади)

Тўрт! (Тўртинчи оёқчасини эгади)

Беш! (Биринчи қулоғини ушлайди)

Олти! (Иккинчи қулоғини ушлайди)

(Соат охириги марта калтагина «Динь» деб бонг уради) Вақт бўлди. Соат етти ярим. Қани менинг кўйлакчам? Қани менинг иштончам? (Қидиради, кровать тагига мўралайди.) Ҳа топдим. Мана улар (тез-тез кийинади)

Ҳа айтгандек саватчам қаерда қолдийкин? Тўхта улар кетиб бўлишган бўлсая. (Бориб ойнадан мўралайди. Овоз келмаяптимикин деб қулоқ солади) Йўқ ҳеч кимнинг қадам товуши эшитилмаяпти. Ҳа майли, саватчамни топа олмадим, ўрнига, ўрнига (кўзи чойнакка тушади) чойнакни оламан. Мен кетаман, мен кетаман, узоқларга кетаман. (Бир оёқлаб сакрайди)
(Она мушук киради)

Она мушук: Тинчиликми, бугун жуда эрта турибсан?

Мушукча: (Ўйланиб) М-м. Сизга хайрли тонг тилаш
учун эрта турдим.

Она мушук: Хайрли тонг кичкинтойим. Ана энди
ювиниб олишинг керак.

Мушукча: Хоҳламайман, хоҳламайман.

Она мушук: Сенинг ювинмаганингни гуллар кўрса,
дарров гулбаргларини ёпиб оладилар.

Мушукча: Майли (ўзига ўзи) барибир ювингим
келмаяпти. (Она мушук қандай ювиниш
кераклигини кўрсатади. Мушукчанинг эса
ювинишга хоҳиши йўқ. У тинмай деразага

қарайди)

Она мушук: Мёв-мёв қўлчалар, мёв-мёв юзчалар, мёв-мёв бурунча, мёв-мёв қулоқча.

Мушукча: Мёв-мёв қўлчалар, мёв-мёв юзчалар, мёв-мёв бурунча э, жонимга тегди хоҳламайман!

Она мушукча: Вой ўзимнинг қулоқсиз, кичкинтойим-ей (ўзи бурун ва қулоқларини ювиб қўяди) (дераза ортида қадам товуши эшитилади)

Мушукча: Бўлди, бўлди, вақт бўлди.

Она мушук: Нимага вақт бўлди?

Мушукча: (Ойисига ўгирилиб) Буль-буль-буль. Сутни оловдан олиш вақти бўлди. Эшитяпсизми, қайнаяпти.

Она мушук: Вой, сутим тошиб кетди. (Югуриб ошхонага кетади)

Мушукча: Ана энди мен қочиб кетаман. (Чойнакни олиб ойна олдига келади) Филча, мен тайёрман! Саватча ўрнига чойнак олдим. (Ойнада аввал филчанинг бурни сўнг боши кўринади)

Филча: Йўқ, биз сени ўзимиз билан бирга олиб кетолмаймиз. Чунки йўл узоқ.

Мушукча: Олиб кетақолинглар. Кеча ўзингиз ваъда бергандингиз-ку.

Филча: Кеча ваъда берган бўлсак, бугун ваъдамиздан қайтдик. Ўрмон жуда катта, сен эса жуда кичкинасан. Адашиб қолишинг мумкин.

Мушукча: Ахир.. ахир.. мен...

Филча: (Чойнакни отиб юборади) Яна кичкинасан, кичкинасан. Ҳеч қаерга олиб боришмайди, ҳеч қаерга юборишмайди. Сўрамасдан ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Жонимга тегди. (Она мушук киради).

Она мушук: Кичкинтой сенга нима бўлди?

Мушукча: Хоҳламайман, хоҳламайман, кичкинтой
бўлишни хоҳламайман. (Ҳиқилайди).

Она мушук: Бўлар бўлмасга, сабабсиз йиғлайверма.
Вақти келиб, катта ҳам бўларсан.

Мушукча: Йўқ мен, бугун, ҳозирок катта бўлишни
хоҳлайман! (бир оёқда сакраб, қўшиқ айтади).

Мушукча қўшиғи.

Катта бўлайин тезроқ
Иш буюришсин озроқ.
Кўп ҳайвонга бош бўлай
Ҳеч кимга кулоқ солмай.
Катта бўлиб қолганимда,
Мендан ҳамма кўрқарди.
Салом бериб, таъзим қилиб,
Менга йўл бўшатарди.

Мен эса кичкинаман (инқиллайди)

Она мушук: (Боласини овунтириш учун) Сен у даражада
кичкина эмассан. (Думини ўлчайди) Мана
олдинги ойга нисбатан, думинг бир
сантиметрга ўсибди.

Мушукча: Ўсибди! Ура! Энди мен ўрмонга қўзиқорин
теришга бораман.

Она мушук: Қаерга, қаерга?

Мушукча: Ўрмонга... қўзиқоринга...

Она мушук: Бир ўзинг-а?

Мушукча: (Секингина) Бир ўзим!

Она мушук: Бир ўзинг? Бормайсан!

Мушукча: Бораман.

Она мушук: Шундай кулоқсиз экансан, фақат
бурчакка борасан.

Мушукча: Бурчакка бормайман.

Она мушук: Борасан! Бо-ра-сан !
(телефон жиринглайди) Алло эшитаман.
(Трубкадан «мў-мў! Мў-мў!» Деган товуш
эшитилади)
Ҳа-ха, раҳмат, ҳозир бораман.

Мушукча: (Эшитиб туради ва масхара қилади) Мў-ў-ў.

Она мушук: Ҳали сен бизнинг танишларимизни масхара
қиласанми? Ҳозироқ бурчакка бор. Мен
қайтиб келмагунимча бурчакда
қимирламай турасан. (Мушукча бурчакда
туради. Она мушук бидонни олиб кетади).

Мушукча: (Бир ўзи) Кичкина бўлиш қандай ёмон-а? Ҳеч
нарсаси қилолмайсан. Сени ҳеч қаерга
юборишмайди. Яна бурчакка турғазиб
қўйишади. Катта бўлсанг, мазза. Нима
хоҳласанг шуни қиласан, ўзингга ўзинг
хўжайинсан. Қандай қилиб катта
бўлсамикин?
Ҳа топдим, ўрмонга бориш керак. Фақат
кўзиқорин териш учун эмас, катта, ақлли
хайвонни топиш учун. Агар уни топсам,
қандай қилиб тезроқ катта бўлиш
мумкинлигини сўрайман.

(Бурчакка рангли коптогини кўяди ва ўзи
ойнадан қочиб кетади)

(Саҳна бўш. Она мушукнинг овози эшитилади)

Мана мен келдим! Сут олиб келдим, чиқакол бурчакдан)

Она мушук: (Киради) Қанисан? Қаерга беркиниб
олдинг, чиқ бу ерга шумтака. Сени барибир
топаман. (Қидиради, ойнадан қарайди)
Копток бурчакда. Дераза очик. Наҳотки
бир ўзи ўрмонга қочиб кетган бўлса. У жуда
кичкинаку, адашиб қолиши мумкин. Тезроқ,
тезроқ (телефон номерини теради) Алло,
алло, ўрмон топилмалар идорасими?

Овоз: Ҳа, навбатчи жирафа, сизни эшитади. Нима бўлди?

Она мушук: Тезроқ, тезроқ, ёлғиз кичкинтойим йўқолиб қолди.

Овоз: Ҳаяжонланманг. Кичкинтойингизнинг белгиларини айтинг.

Она мушук: Белгиларими? Думча, қулоқча ва тўртта оёқчаси бор.

Овоз: Менинг ҳам думим, қулоғим ва тўртта оёғим бор. Аниқроқ айтинг.

Она мушук: Унинг кўзлари мовий.

Овоз: Кечирасиз хоним, мен сиздан асосий белгиларини сўраяпман.

Она мушук: Асосий?.. Ҳа айтгандек у бир оёқлаб сакрашни яхши кўради. Кейин бесабаб ғиншийди ва ҳар доим «хоҳламайман» дейди.

Овоз: Ва албатта билмайман дейди.

Она мушук: Ҳа, сиз ҳақсиз.

Овоз: Ҳеч хавотир олманг, бу белгилар билан албатта сизнинг кичкинтойингизни топамиз.

Она мушук: Илтимос тезроқ менинг кичкинтойимни топиб беринг, илтимос.

(Парда)

Иккинчи кўриниш.

Соя - салқин дарахтлар тагида катта сарик уй турибди. Пештоқлари катта устунлар билан безатилган. Уйга кираверишда шер мудраб ётибди. Ёнида ям-яшил ўтлоқ. Ўтлоққа икки қуён сакраб чиқади. Бирининг иккала қулоғи диккайган, иккинчи қуённинг бир қулоғи шалпайган. Иккаласи шер ёнига келиб

Қуёнлар: Хайрли тонг.

(Шер эснайди)
(Бир куён иккинчисига, кел «Беркинмачоқ» ўйинини ўйнаймиз)
Ўйнайдилар

Шер: (Бир кўзини очиб, ўзича) Мен ҳам ўйнасаммикан?
Хой куёнлар! Мени ҳам ўйинга қўшасизларми?

Бир қулоқли куён: Ахир сиз шундай...

Шер: Ўзим ҳам биламан шундай катталигимни. Лекин
жуда зерикапман.

Икки қулоқли куён: Агар зерикаётган бўлсангиз,
марҳамат.

(Санайди)
Ака ука
Така пука
Икков бирга
Чикди қирга
Гуллар терди
Кимга берди?
Менга берди
Сенга берди.
(Шерга қараб)
Кечирасиз. Сиз орқага қараб турасиз.

Шер: Мен. Хм. Хоҳламайман. Мана бу бир қулоқли
куён ўтирилсин.

Бир қулоқли куён: Яна менми?

Икки қулоқли куён: Уялмайсизми?

Шер: Мен ҳеч қачон уялмайман. Мен сизлар билан
бунинг учун ўйнамадим. Бир қулоқлидан бўлсин.

Икки қулоқли куён: Унда мен ҳам ўйнамайман. Ҳақиқат
бўлиши керак-ку ахир.

Бир қулоқли куён: Бу катталар билан ҳеч қачон
бекинмачоқ ҳам, қувлашмачоқ ҳам
ўйнаб бўлмайди.

Шер: (Иккиланади) Хмм, бўпти, майли «Чапак»
ўйинини ўйнайқолайлик.

Икки қулоқли қуён: Бўпти, охирги марта.

Шер: Хўп энди хафа бўлманглар. Кел бир қулоқ,
ўйнайқол.

(Улар бир- бирларига юзма-юз қараб, турадилар)
(Икки қулоқли тўнкача устига чиқиб)

Икки қулоқли қуён: Бир, икки, уч, бошладик.
Чапак, чапак
Пишди чалпак...

(Шер қуённинг бурнига уради)

Бир қулоқли қуён: Вой, вой, вой! Ахир биз бунга
келишмаган эдик-ку.

Шер: Мен билмасдан.

Бир қулоқли қуён: Хо, билмасдан эмиш. Энди бурним
худди картошкадек шишиб кетади.

Шер: Тарвуздек шишмаганига хурсанд бўл.
(Хохолаб кулади)

Бир қулоқли қуён: Тарвуздек... (йиғлайди)

Шер: Бўпти, бўпти. Билмасдан дедим-ку. Агар ўйнашни
хоҳламасанг, икки қулоқли билан ўйнайман.

Икки қулоқли қуён: Билиб қўй, энг охирги марта.

(Энди бир қулоқли қуён тўнкачага чиқиб, бурнини қўлчалари билан беркитиб
санайди)
(Шер қуённи думи билан пешонасига уради)

Икки қулоқли қуён: Вой, вой!

Шер: Буни мен атайлаб, кулгили бўлсин деб қилдим.

Икки қулоқли қуён: Атайлаб эмиш. Пешонам ғурра
бўлдику.

Шер: Тарвуздек шишимаганига шукр қил. (Кулади)

Бир кулоқли қуён: Ахир у безорику, кетдик бу ердан.

Шер: Эй тўхтанглар, мен билан ўйнамайсизларми?

Қуёнлар: Ўйнамаймиз.

Шер: (Ўкиради) Р...Р...Р...Р

Қуёнлар: Барибир ўйнамаймиз, ҳеч қачон ўйнамаймиз.
(Қочиб кетадилар)

Шер: Қуёнлар, қуёнлар... Хазиллашиб ҳам бўлмайди.
Дарров ҳафа бўладилар. Яна бир ўзим қолдим.
Катта бўлганимдан бери мен билан негадир ҳеч
ким дўстлашмайди? Жуда ҳам катта бўлсам
керакда. Катта бўлиш қандай ёмон-а? Эсимда,
кичкиналигимда ҳамма мен билан ўйнардди. Ойим
алла айтардилар. Қани энди кичкина бўлиб
қолсам.
(Ётиб олиб ашула айтади)

Шернинг қўшиғи.

Кичиклигимда ҳамма,
Мени эркалар эди.
Беланчагимни ойим,
Тинмай чайқатар эди.
Ям-яшил ўтлоқларда,
Қувнаб чопиб юрардим.
Ҳамма ҳайвончаларнинг,
Энг яқин дўсти эдим.
Яна кичик бўлишни
Жуда-жуда хоҳлайман
Ёлғиз бўлиб қолишни
Мен ҳеч ҳам истамайман.

Шер: (Пешонасини қашлаб) Эҳ қани эди ўзимга
ўхшаган ақлли, лекин кичкинагина ҳайвонни
учратсам. Ундан «кечирасиз, қандай қилиб
кичкина бўлиш мумкин»-деб сўрардим.

(Ўтлоққа аланг-жалаң қилиб мушукча кириб келади. Очилиб турган қоқигулни
ҳидлайди).

(Шер мушукчани кўздан кечиради)

Шер: Вой буни кичкиналигини.

Мушукча: (Шерни кўриб) Вой катталигини.

Шер: (Пичирлаб) Қани энди мен ҳам шундай кичкина бўлиб қолсам.

Мушукча: (Пичирлаб) Қани энди мен ҳам шундай катта бўлиб қолсам. Ассалому алайкум амаки.

Шер: Салом кичкинтой.

Мушукча: Вой-бу думингизнинг катталигини қаранг, қулоғингизчи, оёқларингизчи ундан ҳам катта. Сочларингиз қалин ва узун экан.

Шер: Сенинг думинг жуда кичкина экан. Оёқларинг ва қулоқларинг жажжигина. Юнгларинг майин ва юмшоқ.

Мушукча: Сизни кўргинимдан жуда хурсандман.

Шер: Йўқ мен жуда хурсандман.

Мушукча: Мен кўпроқ хурсандман.

Шер: Мен эса шу даражада хурсандманки, ҳатто шу арча баравар сакрашга тайёрман.

Мушукча: Мен эса, мен эса... осмонгача сакрашга тайёрман.

Шер: Мен осмондан ҳам ўзиб кетишга тайёрман.

Мушукча: Мен эса унданам баландга сакрашга тайёрман.

Шер: Ундан баландга сакраб бўлмайди.

Мушукча: (Ажабланиб) Ростдан-а? Вой бу ҳайвоннинг катта ва ақллилигини. Менимча бу дунёдаги ҳаммадан улкан ва ҳаммадан ақлли ҳайвон

бўлса керак. Ҳозир улардан сўрайман.

Шер: Қандай кичик ва олийжаноб ҳайвонча. Менимча
бу дунёдаги энг кичкина ҳайвонча бўлса керак.
Қани ундан сўрай-чи.

Иккаласи баравар: Кечирасиз қандай қилиб...

Шер: Кичик бўлиш мумкин.

Мушукча: Катта бўлиш мумкин.

Мушукча: Айтсаммикин, айтмасаммикин. Амакижон
қандай қилиб кичик бўлиш мумкинлигини
сизга айтсам, сиз мени алдамайсизми? Сиз
ҳам айтасизми?

Шер: Чин шерлик сўзим. Алдамайман.

Мушукча: Келинг бўлмаса алмашамиз.

Шер: Майли.

Мушукча: Мана сизга- менинг сакрашим. (Бир оёқлаб
сакраб кўрсатади)

Шер: (Қараб, ҳайрон бўлиб) Бу нима? Ҳамма
кичкинтоилар шундай қилишадими?

Мушукча: Албатта, бу жуда қизиқарлида.

Шер: Ҳа тушундим. (Бесўнақай сакрайди) Шундайми?

Мушукча: Ана кўрдингизми сизда чиқаяпти. Энди
менинг «хоҳламайман», «қилмайман» ва
«билмайман» деган сўзларимни олинг.

Шер: Ҳамма нарсага шундай жавоб бериш керакми?

Мушукча: Бирор нарсани хоҳламасангиз шундай жавоб
бераверасиз.

Шер: Тушунарли.

Мушукча: Ана энди бўлар булмасга ҳиқиллаб

йиғлашимни олинг.

Шер: Ҳеч сабабсиз-а?

Мушукча: Ҳа, бу жуда осон.

Шер: (Ҳикиллайди) Шундайми?

Мушукча: Ўхшатдингиз амаки! Ана энди сиз кичкина
бўлдингиз. Тезроқ менга катта бўлишни ўргатинг.

Шер: Бу ерга кел. Мана менинг сенга ириллашим. (Ир-ир-ир)

(Мушукча ўхшатмоқчи бўлиб овоз чиқаради).

Шер: Ундай эмас. Йўғонроқ овозда ирилла.

Мушукча: (Ҳаракат қилади) «Мир-мир-мир».

Шер: Ҳа бўпти, бўлаверади. Энди менинг ўкиришимни
ол! (Ўкиради)

Мушукча: Бунча даҳшатли. Энди мен ўкириб кўраман. (Ўкиради)

Шер: Бўлади. Фақат қаттиқроқ ўкир. Энди менинг
бурунга «шапалоғимни» ол. (Мушукчанинг
бурнига секин уриб кўяди).

Мушукча: Тушунарли (қўллари билан шерни бурнига
секин уради) Кечирасиз, шундайми?

Шер: Шундай, лекин жонлироқ ҳаракат қил. Демак
алмашдик.

Мушукча: Ал-маш-дик.

Шер: Бир умрга-а?

Мушукча: Бир умрга. Ижозатингиз билан энди мен шу
катта уйда яшайман. Чунки мен ўзимга –ўзим
хўжайинман, энди мен катта амакиман.

Шер: Мен эса ўз онамни қидираман. Энди ҳамма мени
ўйнатади, ҳамма мен билан дўстлашади. Эҳ
кичкина бўлиш қандай яхши. (Бир оёқлаб сакраб

чиқиб кетади.)

ПАРДА

Учинчи кўриниш.

Парда олдида.

Топилмалар идораси ходими кетаяпти. Бошида фуражка, елкасида сумка.
Бўйнида дурбин. Қўшиқ куйлаяпти.

Жирафа: Ўрмонда кўп нарсалар,

Тез-тез йўқолиб турар.

Қуён йўқотди йўлни,
Айиқ кечаги кунни,
Йўлбарс терисидаги,
Чизикларни йўқотди.
Бўри қаршисидаги,
Соясини йўқотди.
Топилмалар хонасига
Ҳамма кўнғироқ қилар.
Идоранинг ходимлари
Тезда ёрдамга келар.
Йўқолганни топиш учун,
Сиз ҳам ҳаракат қилинг.
Қаерда бўлганингизни,
Яхшилаб эслаб кўринг.
Қадимдан бир нақл бор
Ҳар бир нарса топилар.

Жирафа: (Томошабинга) Мен йўқолган бир
кичкинтойни излаб юрибман. Кечирасизлар
шу ердан кичкинагина, ҳеч ким ўтмадими?
Мана унинг белгилари. (Ўқийди) Биринчи- у
бир оёқлаб сакрашни жуда яхши кўради. Қани
дурбиним билан ана у дарахт таглари
кўрайчи. (Шер кўринади)

Шер: Ля-ля-ля-ля-ля, (бир оёқлаб сакрайди)

Жирафа: Салом.

Шер: Угу-гу.

Жирафа: Кечирасиз, сиз шу ерда ҳеч кимни
кўрмадингизми?

Шер: Кўрмадим. Тра-ля-ля-ля-ля-ля-ля-ля-ля---...

Жирафа: Нима қияпсиз?

Шер: Бир оёқлаб сакраяпман.

Жирафа: Бир оёқлаб сакраяпсиз? (Қўлидаги қоғозга
қараб) Биринчи белги тўғри келди. Кечирасиз
бўлар-бўлмасга ғиншишни биласизми?

Шер: Ҳа, мана ёлғондан думимни тортиб кўринг.

Жирафа: Ёлғондан (Оёғи билан ҳавода ҳаракат қилади)

Шер: (ғиншиб) Вой-вой-вой.

Жирафа: Ҳамма белгилари тўғри келди. (Шерга) Ахири
сени топдим кичкинтой. Юр мен билан
кичкинтойгинам, миттигинам.

Шер: (ғиншиб) Бормайман!

Жирафа: Юрақол. Катталарнинг гапига қулоқ солиш
керак.

Шер: Мен қулоқ солмайман.

Жирафа: Нима учун.

Шер: Хоҳламайман, билмайман.

Жирафа: Ие қизик бўлдику. Ахир сени ойинг кутаяпти.

Шер: (Сакраб) Ойим, менинг ойижоним. Ўзим ҳам
уларни қидириб юрувдим. Юринг, юринг,
югуринг.

(Шер ва жирафа чиқиб кетадилар).

ПАРДА

Иккинчи парда

Тўртинчи кўриниш

Мушук уйи. Она мушук ғамгин ўтирибди. Дастрўмолча билан кўзларини артади. Телефон жиринглайди. Мушук трубкани олади.

Овоз: Мў-мў! Келмадими?

Она мушук: Мёв. Йўқ келмади.

Овоз: Мўриларни текшириб кўрдингларми?

Она мушук: У ерда ҳам йўқ. Биз учун
қайғураётганлигингизга ташаккур қўшни.
Ҳа, ҳа албатта, келса қўнғироқ қиламан.
(Трубкани қўяди) Лекин қачон келиши
номаълум. (Телефон жиринглайди)

Овоз: Бе-э.

Она мушук: Бу сизмисиз қўшни? (Йиғлаб юборади)

Овоз: Бе-э, бечора!

Она мушук: Яна бир бор қараб кўринглар.

(Телефонни қўяди).

Кавакларда, инларда бўлмаса қаерда бўлиши мумкин бечора болам.

(Эшик тақиллайди. Она мушук эшитмайди. Яна тақиллайди. Эшик очилиб жирафанинг узун боши кўринади).

Жираф: Ўрмон топилмалар идораси.

Она мушук: Оҳ азизим, марҳамат киринг.

Жирафа: Кечирасизку менинг бўйним жуда ҳам узун.

Она мушук: Бир дақиқа, ҳозир ўзим чиқман.

Бешинчи кўриниш.

(Мушук уйи олдидаги ҳовлида жираф ва шер. Она мушук чиқади)

Шер: Вой, ойимни кичкиналигини. Ахир энди мен ҳам кичкинаманку. Демак ойим мендан катталар.

Жираф: Беркин кичкинтой.

(Шер жирафанинг орқасига яширинади. Жирафа унинг устига рўмолча ёпиб кўяди.

Она мушук: Сиз менинг кичкинтойимни топдингизми?

Жираф: Ҳа топдим.

Она мушук: Қани у.

Жираф: Тинчланинг, тинчланинг. Бизнинг топилмалар идорамизда шундай қоида бор. Топилган нарсани дарҳол кўрсатиш мумкин эмас. Сабаби жуда хурсанд бўлиб кетгандан, йиғлаб юбориш мумкин. Шунинг учун топилмани секин-секин кўрсатамиз.

(Рўмолчани кўтаради. Рўмолча тагидан дум кўринади)

Жираф: Танидингизми?

Она мушук: Йўқ, ахир бу дум-ку. Кичкинтойимнинг думчаси кичик ва жуда майин.

Жираф: Буничи танияпсизми?

(Рўмол тагидан шернинг оёқлари кўринади)

Она мушук: Бу оёқларку. Менинг боламнинг оёқчалари жажжигина.

Жираф: (Румолчани очиб юборади) Буничи?

Она мушук: Орқага тисарилиб кетади! Бу менинг кичкинтойим эмас. Ахир бу умуман

кичкина ҳам эмас.

Шер: (Йўғон овоз билан) Ойи-жон!

Жирафа: Ана кўрдингизми? Ҳамма белгилари тўғри келаяпти. (Шерга) Қани кичкинтой бир оёқлаб сакраб берчи.

Шер: (Бир оёқлаб сакрайди) Тра-ля-ля. Тра-ля-ля.

Она мушук: Вой бечора, худди менинг кичкинтойимдек-а

Шер: Мен бекордан бекорга йиғлашни ҳам биламан.
У- у-у. Ай-ай-ай. А-а-а.
(Шер бор овози билан йиғлайди)

Жираф: Тинчлан, тинчлан кичкинтой. (Шер ундан баттар йиғлайди)
(Мушукка)

Наҳотки раҳмингиз келмаса?

Она мушук: Албатта раҳмим келади. Менинг фарзандим бўлмасада раҳмим келади. (Шерга) Менинг ёнимга кел кичкинтой. Ойижонинг қаерда?

Шер: Агар сиз менинг ойим бўлмасангиз, менинг бошқа ойим йўқ.

Жирафа: Ана кўрдингизми?

Она мушук: (Шерни силаб) Бечорагинам. Нима қилсам экан? Ҳозир сенга қарашга менинг сираям вақтим йўқ, кичкинтойимни излашим керак.

(Шер яна ҳикиллайди).

Жирафа: Келинг аввал уни тинчлантирайлик, сўнг сизнинг болангизни излаймиз.

Она мушук: (уйга кириб копток олиб чиқади) Копток ўйнайсанми?

Шер: Хоҳламайман. (Коптокни отиб юборади).

Она мушук: Расмли китоб томоша қиласанми?

Шер: Билмайман.

Она мушук: Расм кўришни билмайсанми?

Шер: (Кўзларини юмиб, орқасига ўгирилиб олади) Йўқ!

Она мушук: Тавба, худди кичкинтойнинг ўзи-я. Унда
нима хоҳлайсан.

Шер: Мени эркалаб, беланчакда тебратишларини
хоҳлайман.

Она мушук: Ахир уни қандай қилиб кўтариб,
беланчакка ётқизиш мумкин?

Жирафа: Уни шу ерга очик ҳавога ётқизамиз.

(Она мушук уйдан ёстик олиб чиқади. Жирафа ва мушук шерни катта рамашка
тагига ёстикқа ётқизадилар, устига рўмолча ёпадилар).

Шер: Оҳ қандай мазза. Аллани қачон айтасизлар.

(Она мушук куйлайди).

АЛЛА

Алла кўзим аллаё
Ширин сўзим аллаё
Ором олгин сен бир оз
Ухласанг бўлади соз.

Шер: Эшитилмаяпти.

Жирафа: (Иккинчи қулоғига энгашиб)
Алла кўзим аллаё
Ширин сўзим аллаё
Сенга мен берайин бол
Кичкинтойим ором ол.

Шер: Энди икки қулоғимга айтинглар.

Жирафа ва Мушук бирга: Алла кўзим аллаё,

Ширин сўзим аллаё

Ором олгин сен бир оз

Ухласанг бўлади соз.

Она мушук: (Пичирлаб) Менимча ухлади...

Жирафа: Юринг бўлмаса.

(Жирафа ва она мушук секингина кета бошлайдилар. Шер ўриндан туриб ўтиради. Уларнинг кетидан қарайди).

Шер: Қаерга кетаяпсизлар?

(жирафа ва она мушук тўхтайди) Ухлагим келмаяпти.

Она мушук: Унда нима истайсан?

Шер: Овқат ейман.

Жирафа: Овқат ейман? Хўш нима қиламиз. Боланинг овқат егиси келяпти. (Она мушук уйдан идишда сут олиб чиқади. Жирафа шернинг бўйнига рўмолча боғлайди)

Она мушук: Ич, ичақол. Сигир холанг сенга сут олиб келди.

(Шер ичиб бўлиб, идишни туртиб юборади ва синдиради) Бу қандай беъманилик. Ҳозироқ бурчакка бор.

Жирафа: Жуда тўғри.

Шер: (Жирафни масхаралаб) тўғри, тўғри, ҳеч ҳам тўғри эмас, бўйни терак. (Жирафага тилини кўрсатади.)

Жираф: Ие, у мени ҳақоратлади.

Мушук: (Шерни шапатилаб уриб) Нима деяётганингни биласанми?

Шер: Менимча жирафанинг бўйни уйнинг мўрисига ўхшайди. (Пих-пих-пих)

Жираф: Мени ҳали ҳеч ким бундай ҳақоратламаган.

Шер: Жим бўл, узун нарвон.

Мушук: Сени топган меҳрибон жирафани шундай масхара қиласанми? Йўқ-йўқ. Бунга чидаб бўлмайди. Ҳозироқ бурчакка бор. Бизлар қайтиб келмагунимизча шу ерда турасан, шумтака. (Шерни уй бурчагига олиб бориб кўяди.)

Шер: Ойижон бошқа қилмайман.

Мушук: Шундай бўлади. Қани юзингни деворга қаратчи. Кичкинамисан, демак ўзингдан катталарнинг гапига қулоқ солишинг керак. Кетдик меҳрибон жирафа.

Жираф: (Четга) Касбим шуни тақозо этмаганда бундай шўх болаларни ҳеч қачон қидирмаган бўлардим.

(Жирафа ва она мушук кетадилар)

Шер: (бир ўзи) Кетишди. Нима энди бир ўзим бурчакда туравераманми? Йўқ кичкина бўлиш унчалик яхши эмас экан. Ҳамманинг гапига қулоқ сол, гап қайтарма. Арзимаган нарсага уришадилар. Бурчакда туриш эса шундай ёқимсиз, фу, сичқон иси келаяпти. (Аксиради) Балки яна катта бўлиб қолсаммикин. Ўзимга ўзим хўжайин бўлардим. Ҳозироқ бориб, йўл-йўл ошнамни топаман ва у билан яна алмашаман.

(Бурчакка коптокни қўйиб кетади)

ПАРДА

Олтинчи кўриниш.

Яшил ўтлоқда шер уйи. Уй қаршисида мушукча ўтирибди.

Мушукча: Мен каттаман, қандай яхши. Катталар одатда нимадир қилишлари лозим. Мен ҳам нимадир қиламан. (Қўллари билан ювинади) Йўқ- йўқ ювинишни мен эрталаб, кичиклигимда қилганман. Менимча катталарга бу шарт эмас. Ўзингга ўзинг хўжайинсан. Хоҳласанг ювин, хоҳламасанг ювинма. Бунинг учун сени ҳеч ким бурчакка турғизмайди. Нима қилсаммикин. Ҳа билдим, думим билан ўйнайман.

(Думини тутишга ҳаракат қилади.)

Тутдим, тутдим. Ие, думимни эрталаб ҳам тутган эдим, у пайтда кичкина эдим. Йўқ, бу тўғри келмайди. Катталар нима қилишарди. Ҳа эсладим, ириллашиб, ўкиришади.

(Капалак учиб келади ва гулдан гулга қўнади)

Мушукча: Капалакжон капалак, кел ўйнайлик. Мана бу гулга қўнгин.

(Капалак гулга қўнади)

(Мушук секин ир-ир деб ириллайди)

Капалак: Ҳеч нима эшитмаяпман.

Мушукча: Эшитмаяпганмиш. Капалакжон кел мана бу гулга қўнгин, илтимос.

(Капалак бошқа гулга қўнади)

(Мушук қаттиқроқ ириллайди)

Вир-мир-мир-мир.

Капалак: Энди эшитяпман. Қандайдир тушунарсиз товуш эшитяпман. Менимча сиз қўшиқ айтяпсиз.

Мушукча: (Ҳайрон) Қўшиқ айтяпман? Илтимос менинг бурнимга қўнгин. Ана шунда ҳамма нарсани эшитасан.

Капалак: Майли. Бурнингиз ҳам шабнам қўнган гулдан қолишмайди.

(Мушукчанинг бурнига қўнади)

Мушукча: Тайёрландик... бир..икки..уч..ир-р-р-р мяв.

(Капалак қўрқиб учиб кетади)

Мушукча: Қаерга кетаяпсан?

Капалак: Йўқ, йўқ, йўқ. (Учиб кетади)

Мушукча: Ана кўрдингизми мен қандай даҳшатли ириллайман. Чунки мен каттаман. Нима учун капалакка бу ёқмади экан.

(Иккита қуён пайдо бўлади)

Бир қулоқли: Бу ерда кимдир миёвлади.

Икки қулоқли: Ахир бу мушукчаку. (мушукчани кўради)

Бир қулоқли: Мана энди ким билан ўйнаймиз.

Иккаласи: Салом мушукча.

Мушукча: (Мағрур) Салом.

Қуёнлар: Биз билан ўйнашни хоҳлайсанми.

Мушукча: Хоҳлайман, фақат...

Қуёнлар: Нима «фақат»?

Мушукча: Сизнинг қулоғингиз жуда узун экан. Сизлар
мендан ҳафа бўлиб, капалакдек учиб
кетмайсизларми?

Қуёнлар: (Кулиб юборадилар) Биз-а, учиб кетамиз!
Жуда қизиқ мушукча экансан. Келинглار
санаймиз.

(мушукча ва қуёнлар айлана бўлиб турадилар)

Икки қулоқ: Айтишади ўрмонда

Ўйғилишди азонда

Укки, майна, қалдирғоч

Ишингда бўлсин ривож.

(Мушукка) Сен чиқдинг, демак сендан.

Мушукча: Мендан? (Ўзича) Ахир мен энди каттаманку.
Ўзимга ўзим хўжайинман. Нима хоҳласам
шуни қиламан. (Бақириб) Хоҳламайман.

Икки қулоқли: Нега энди хоҳламас экансан?

Мушукча: Хоҳламайман, вассалом. Ўзимга ўзим
хўжайинман.

Икки қулоқли: (Бир қулоқлига) Менимча у қўполлик
қилаяпти.

Бир қулоқли: (Икки қулоқлига) У ҳали кичкинаку лекин
ҳамма нарсани ўзи қилигиси келади.

Икки қулоқли: (Мушукка) Унда ўзинг санай қол.

Мушукча: Бўпти. Мен сизлар ҳақингизда санашни

биламан.

(Улар яна айлана бўлиб турадилар)

Қуён қуён

Не қияпсан

Сабзиларни

Чайнаяпман

Қуёнлар: (Кулишади) Жуда мазали санаш экан. Жуда
ажойиб кичкинтой экан.

Мушукча: (Четга) Мен кичкинтойман? Ҳа - мени кеча
кичкиналигимда шундай аташарди. Бугун
эса каттаман. Катталар нима қилишарди? (Ўйланиб) Ҳа эсладим.
Бурунга қараб тушуришарди.

Қуёнлар: Нима учун тўхтаб қолдинг?

Мушукча: (Давом эттиради)

Айтгин нега сен шодон,

Чунки тишларим соғлом.

(Бир қулоқлининг бурнига уради)

Қуёнлар: Вой-вой-вой (Қочадилар)

Мушукча: Тўхтанглар, қаерга кетаяпсизлар?

Икки қулоқли: Биз сени кичкинтой десак сен катта
экансан.

Мушукча: Ҳа каттаман.

Бир қулоқли: Жуда ҳам катта экансан.

Мушукча: Албатта.

Қуёнлар: Сен қўполсан.

Мушукча: (Ўйланиб қолади) Қочиб кетишди.

Қандайдир тушунмайдиган сўз ҳам айтишди. (Хайрон бўлади) Булар
ҳам мендан ҳафа бўлишди. Мана ўзим хоҳлаганимдек катта ҳам бўлдим. Лекин
бир ўзим қолдим. Ёлғиз қолиш қандай зерикарли. (Хўрсинади)

Акс садо: Зерикарли.

Мушукча: Жуда зерикарли.

Акс садо: Жуда зерикарли...

Мушукча: (Секин) Ҳеч ким мен билан ўйнашни
Хоҳламаяпти. Нега?

(Ўрмон жим-жит)

Ҳеч ким жавоб бермаяпти.

(Ўтлоқзорга капалак учиб чиқади).

Капалак, капалакжон!

(Капалак учиб кета бошлайди)

Капалакжон тўхта. Мен сен билан ўйнамоқчи эмасман. Фақат бир нарсани
сўрамоқчиман холос.

(Капалак қайтиб учиб келади)

Капалак: Нимани?

Мушукча: Нима учун сен мен билан ўйнашни Хоҳламаяпсан?

Капалак: Мана қанотларимга қара.

Мушукча: Ҳа, сен хунук бўлиб қолибсан.

Капалак: Сен мени кўрқитиб юбординг. Қанотларимдаги атлас рангли зарралар
учиб кетди.(Капалак учиб кетади)

Мушукча: (Ўйлайди) Демак қаттиқ ириллаб, ўкириш ёмон эканда. Ўкирганингда
атлас зарралар учиб кетаркан. Жуда қаттиқ, бор кучинг билан ўкирсанг
осмондаги қуёш ҳам кетиб қолар эканда.

Орқа оёқларида туриб, қўлларини қуёшга чўзади. Қуёшжон, кетиб қолма.
Илтимос. Энди мен ҳеч ҳам ўкирмайман. (Секингина) Фақат бировларнинг
бурунларига ураман холос. (Шу пайт буталар орқасидан қуёнларнинг қулоқлари
кўринади. Бир қулоқли қуён келади.

Бир қулоқли: Кечирасан, сенга шуни айтмоқчиманки...

Мушукча: (Ўгирилиб) Нимани?

Бир қулоқли қуён: Бурундан калтак есанг жуда оғрийди.

Мушукча: Ростдан-а?

Бир қулоқли қуён: Ҳа ростдан. Калтак еганидан сўнг ҳамма бурунлар ҳид
сезмайдиган бўлиб қолади.

Мушукча: Йўғ-ей.

Бир кулоқли қуён: Ўз бурнингда синаб кўргин, биласан.

Мушукча: Синасам синайвераман. (Мушукча бурни олдида қўлларини ҳаракатлантиради. Лекин бурнига уришга кўрқади. Қўли бурнига тегиб кетади) Вой, оғриди. (Гулни хидлайди) Бу чучмумами? Йўқ бу қокигул. Йўқ, йўқ бу чиннигул, балки бу пиёнгулдир. Менинг бурним ҳеч ҳам хид сезмаяпти. (финшиб) Бу нимаси? Мен катта бўлиш яхши деган эдим, лекин энди катта бўлишни хоҳламайман. Мен гулларни, капалакларни, қуёшни яхши кўраман. Гуллар хид таратмаслигини, қуёш нур сочмаслигини хоҳламайман. Ундан кўра кичкина бўлганим яхши. (Чопиб чиқиб кетади)

ПАРДА

Саккизинчи кўриниш

Мушукча ўрмонда кетяпти. Қаршисидан шер чиқади.

Мушукча: Ҳой, малла сочли, сариқ кўзли ҳайвон.

Қанисиз?

Шер: Ҳой пушти кулоқли, йўл-йўл думли ҳайвонча.
Қанисан?

Мушукча: Мана у.

Шер: Мана у.

(Бир-бирлари олдида ошиқадилар)

Мушукча: Сизни кўрганимдан жуда хурсандман!

Шер: Мен ҳам сени кўрганимдан хурсандман!

Мушукча: Мен катта бўлишни хоҳламайман!

Шер: Мен кичкина бўлишни хоҳламайман!

Мушукча: Келинг қайтадан алмашамиз.

Шер: Ўзингни бир оёқлаб сакрашингни, ўзингни «хоҳламайман»ингни, ўзингни «билмайман»ингни қайтиб ол! Яна бўлар-бўлмасга йиғлаб, ғиншишингни ҳам қайтиб ол!

Мушукча: Сиз ҳам ўзингизнинг ўкиришингизни, қўл билан бурунга урушингизни қайтиб олинг (шернинг бурнига уради)

Шер: (Аксиради) Апчхи! Раҳмат.

Мушукча: Қандай яхши. Яна ўз ҳолимга қайтдим.

Шер: Нимаси яхши? Уйингга борсанг ойинг уришади. (Апчхи) Бурчакда турасан.

Мушукча: Ҳозироқ жим бўлинг.

Шер: Лекин катта бўлиш ҳақиқатдан ҳам яхши.

Мушукча: Нимаси яхши. Ўкирсангиз барча капалакларнинг атлас ранглари ўчиб кетади, бурунга урсангиз ҳамма бурунлар хафа бўладилар ва гуллар ис таратмайдилар.

Шер: Гапирма!
(Иккаласи ўйланиб қолади)

Мушукча: (Шерга қараб) Нимага хафасиз. Нима ҳақида ўйлаяпсиз.

Шер: Менимча сен ҳақсан кичкинтой. Катта бўлиш унчалик яхши эмасга ўхшаб қолди.

Мушукча: Сиз ҳам ҳақсиз. Кичкина бўлиш ҳам яхши эмас.

Шер: Катта бўлиш ҳам ёмон, кичкина бўлиш ҳам ёмон.

Мушукча: Унда ким бўлсак экан?

(Она мушук, жирафа кириб келишади. Буталар орқасидан 3 та қулоқча кўринади)

Қуёнлар: Мана улар!

Жирафа: Топилди.

Мушукча: Ойижон!

Жирафа: Мен сизга албатта топилади деб айтган
эдимку.

Она мушук: Кичкинтойим юрақол уйга!

Мушукча: Мен кичкина бўлишни хоҳламайман! Уйга
ҳам бормайман.

Жирафа: Тушунарли у тезроқ катта бўлгиси келяпти.

Мушукча: Катта бўлгим ҳам келмаяпти.

Жирафа: Унда ким бўлгин келаяпти?

Мушукча: Билмайман.

Шер: Биз ҳеч ким бўлгимиз келмаяпти?

Жирафа: (Шерга қаттиқ қўллик билан)
Сен эса кичкинтой жим тур. Ким сенга
бурчакдан кетиб қолишга рухсат берди?

Шер: Мен кичкинтой эмасман. Мен энди яна катта
бўлдим. Биз яна алмашдик.

Жирафа: Тўхтанг, тўхтанг. Қанақасига сиз каттасиз?

Шер: Ҳа каттаман. Лекин катта бўлишни хоҳламайман.
Кичкина бўлишни ҳам.

Мушукча: Биз ҳеч ким бўлишни хоҳламаймиз.

Жирафа: Ҳамма кимдир бўлишни хоҳлайди. Баъзилар
кучли, баъзилар чаққон, баъзилар эса ақлли
бўлишни хоҳлайди. Булар эса ҳеч нарсага
тушунмаяпман. 30 йилдан бери шу ўрмонда
хизмат қиламан.

Она мушук: Мен ҳам ҳеч нарсага тушунмаяпман.

(Буталар ортидан қуёнлар сакраб чиқадилар)
Бир қулоқли қуён: Менимча ҳамма нарса равшан.

Икки кулоқли куён: Тўғри. Бу жуда оддий. Мушукча кулоқсиз кичкинтой бўлишни хоҳламайди.

Бир кулоқли куён: Шер эса катта бўла туриб ҳаммага озор беришни хоҳламаяпти.

Икки кулоқли куён: Қисқаси улар яхши бўлишни хоҳлашяпти.

Шер ва мушукча: Ҳа, албатта!

(Ҳаммалари бирга қўшиқ куйлайдилар)

Сизга битта маслаҳат,

Унутманг уни фақат.

Бақирманг ва қўрқитманг,

Капалакни чўчитманг.

Сиздан ҳеч қачон, ҳеч ким,

Ҳафа бўлмасин доим.

Дустлашсин катта-кичик,

Яшасин доим дўстлик.

ПАРДА

ТАМОМ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов –Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб хисоблашар эди. Т.Ўзбекистон. 2005 й. 62 б.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида. Т. Ўзбекистон 2005 й.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Ўзбекистон 1998 й
4. М.Ашурова: Кўғирчоқ театри актёри бўлими талабаларида кўлнинг бадиий ифодалаш хусусиятини тарбиялаш. Т. 1995.
5. М.Ашурова: Актёр-создатель кукольного сценического образа. Тошкент 1995.
6. Е.Деммени: Куклы на сцене Искусство Ленинград 1949.
7. Е.Деммени: Знай и умеи Дет из.Ленинград 1960.
8. Т.П.Андрианова:Тренинг актёра в театре кукол Ленинград 1983.
9. Л.М.Шихматов. Сценические этюды» Москва. Просвещение 1966 г
10. А.Д.Попов. О художественной целесности спектакля. Москва. Просвещение 1970 г
11. М.Т.Тулаходжаева. Режиссура Узбекского драматического театра тенденции, развития и современные проблемы. Ташкент 1995 г
12. В профессиональной школе кукольника Ленинград 1979.
18. Д.М.Генкин. Массовые праздники. М.Просвещение 1975 г.
19. И.М.Туманов. Основы режиссуры театрализованного концерта. М.Просвещение 1974 г
20. К.У.Хўжаев .Саҳнага йўл. Ўқитувчи. Т. 1982 й.
21. М.Х.Қодиров. Саҳнамиз лочинлари. Ғ.Ғулом. 1986й.
22. Б.Насриддинов. Саҳна жилолари. Ғ.Ғулом.1985й.
23. М.Х.Қодиров. Халқ кўғирчоғи театри.Т. Ғ.Ғулом 1972й.
24. М.Х.Қодиров. Ўзбек театри анъаналари. Т.Ғ.Ғулом. 1976 й.
25. У.Х.Қорабоев .Ўзбек халқи байрамлари Тошкент 2002й.
26. У.Х Қорабоев. Ўзбекистон байрамлари Ўқитувчи 1991й.
27. О.З.Ризаев. Наби Рахимов.Т. Ғ.Ғулом 1997й.
28. М.Х.Қодиров. Ўзбек халқ томоша санъати. Ўқитувчи 1981й.
29. С.Образцов. Моя профессия М. Искусство. 1981.
30. Х.Ш.Абдусаматов. Театр танқид кўзгусида. Т.Фан.1993 й.
31. Ф.Аскар. Муסיқа ва инсон маънавияти. Т. ЎМЭ. 2000 й.

МУНДАРИЖА.

Кириш	3
Спектакл яратилишида режиссуранинг ўрни	4-13
Д.Собуров «Африка қўшиғи» (илова)	14-19
Д.Собуровнинг «Африка қўшиғи» пьессасига Режиссёрлик таҳлили (илова)	20-23
А.Костинский «Сюрприз» (илова)	24-41
Режиссёрская экспликация на пьесу А.Костинского «Сюрприз» (илова)	42-48
Қўғирчоқ бошқаришнинг асосий хусусиятлари	49-63
Илова: Сапгир «Катта бўлишни хохлайман» Ш.Хайитбаев таржимаси	64-92
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	93

ОГЛАВЛЕНИЕ

Введение	3
Место и роль режиссура при создании спектакля	4-13
Д.Сабуров «Песня Африка» (Приложение)	14-19
Режиссёрский анализ пьесы Д.Сабурова «Песни Африка» (Приложение)	20-23
А.Костинский «Сюрприз» (Приложение)	24-41
Режиссёрский экспликация на пьесу А.Костинского «Сюрприз» (Приложение)	42-48
Особенности управление куклы	49-63
Приложение: И.Сабгир «Хочу стать взрослым» Перевод Ш.Хайитбаева	64-92
Использованный список литература	93

CONTENTS

Introduction	3
Place and role direction when making the show	4-13
D.SABUROV "Song Africa" (Attachment)	14-19
Direction analysis of the play by D.SABUROV "Song Africa" (Attachment)	20-23
Direction of explication on play "Surprise" by A.KOSTINSKIY	24-41
Direction of explication on play "Surprise" by A.KOSTINSKIY (Attachment)	42-48
Particularities of manage the doll (Attachment) "I want to be grow up" by I.Sabgir	49-63
Translated by Sh. HAYITBAEV	64-92
List of used literature	93

Ш.Ў.Хайитбаевнинг «Қўғирчоқ бошқаришнинг асосий хусусиятлари» ва «Спектакл яратишида режиссуранинг ўрни» (услубий қўлланма) ларига

ТАҚРИЗ

Ш.У.Хайитбоев Қўғирчоқ театри санъати бўлимига талаба бўлиб кирганида шу соҳанинг жуда йирик мутахассиси В.С.Иогельсен бошчилик қилган гуруҳда соҳа сир-синоатларини ўрганган, сўнг муаллимлик фаолияти давомида мунтазам ижодий ва услубий изланишларни амалга оширган мутахассислардандир. Чорак асрлик педагогик фаолияти давомида Ш.У.Хайитбоев ўқув гуруҳларига мутахассисликдан раҳбарлик қилган, юзлаб бўлажак артистларни тарбия қилар экан, улардаги ижодий имкониятларни ўрганиш, аниқлаш ва шакллантириш жараёнини ўтаган. Шу туфайли унинг «Спектакл яратишида режиссуранинг ўрни» ва «Қўғирчоқ бошқаришнинг асосий хусусиятлари» номли услубий қўлланмалари шу соҳа намоёнчасининг ўз мулоҳазалари, кўп йиллик ижодий ва педагогик фаолиятининг самарали маҳсулоти сифатида қабул қилинади.

Қўғирчоқ театрининг ўзига хос сифати унинг актёри бошқа турдаги барча театрлар актёрлари каби ижрочилик имкониятларига эга бўлиш билан бирга, яна қўғирчоқларни бошқариш деб аталадиган қобилятга ҳам эга бўлишлари лозимки, бу соҳани танлаган инсон ижодий меҳнати қанча эъзозланса, қанча тақдирланса ҳам камдек туюлади. Қўғирчоқ театри актёри меҳнатига нисбатан шундай муносабат Ш.Ў.Хайитбоев ишини ўқиганда беихтиёр туғилади. Чунки, муаллиф авваламбор қўғирчоқбоз актёрнинг қўллари, бармоқлари намоён қилиши мумкин бўлган санъатни қизиқарли ва ишонарли акс этдиради. Қўғирчоқ театрининг умумжаҳон амалиётида тан олинган ва кенг тарқалган ифода воситалари «Қўлқопли қўғирчоқлар», «симли қўғирчоқлар», «планшет қўғирчоқлари», «қўғирчоқ маскалар», «соя театри қўғирчоқлари» каби асосий қўғирчоқ типларининг ҳар бирини бошқаришни йўл-йўриқлари ва бошқарув усуллари ўқувчига тушунарли ва қизиқарли қилиб ёритади. Ҳар бир бошқарув усулига оид келтириладиган мисоллар, оддий этюддан то мукамал образгача кечадиган жараён муаллифнинг ўз педагогик фаолиятидан келиб чиққанлиги учун ҳам ишонарли ва қўшимча исботга ҳожат қолмайди. Энг муҳими, сиртдан механистик туюлувчи технологик жараён замирида «Қўғирчоқ театри актёри» деб аталган санъаткорнинг ғоят нафис ва ҳамма учун керакли ижрочилик санъатининг поэтикаси уфуриб туради.

Ш.У.Хайитбоевнинг мазкур услубий қўлланмаси соҳа педагоглари ва талабаларининг ижодий фаолиятларининг шаклланиши учун катта аҳамият касб этади. Нашр этилиши қанча тез амалга оширилса шунча яхши.

«Санъатшунослик» кафедраси доценти,

Ш.Ў.Хайитбаевнинг «Қўғирчоқ бошқаришнинг асосий хусусиятлари» ва «Спектакл яратишида режиссуранинг ўрни» (услубий қўлланма) ларига**ТАҚРИЗ**

Бугунги кунимизда мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасида кенг қўламли ишлар қилинганлигини гувоҳи бўлиб турибмиз. Юртимизга юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш учун биринчи навбатда жараёни тўғри ташкил этиш, таълим мазмунини аниқ белгилаш, уларни махсус дарсликлар, ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалар билан таъминлаш масаласи энг асосий масалалардан биридир. Шунинг учун «Қўғирчоқ театри санъати» кафедрасида турли йўналишдаги қўғирчоқ театри мутахассисларини тарбияловчи услубий тавсияномалар, дастурлар, қўлланмалар яратилиши зарурий бир ҳолдир. Ш.Хайитбаевнинг сайи ҳаракатлари билан яратилган «Қўғирчоқ бошқаришнинг асосий хусусиятлари» ва «Спектакл яратишида режиссуранинг ўрни» қўлланмаларининг кўп йиллик педагогик тажрибасига асосланиб ёзилган бўлиб, унда қўғирчоқ театри режиссёри ва актёрини тарбиялашнинг бир неча босқичини ўз ичига олган. ўқув қўлланмалари талаба ва педагог учун баробар услубий қийматга эга содда, ихчам тарзда ёзилган бўлиб унда бир қатор мавзулар ёритилган. Яъни:

1. Режиссёрни спектакл устида ишлаш услуби.
2. Актёр қўлининг қўғирчоқ бошқаришдаги аҳамияти қўл ҳаракатчанлигини ривожлантириш жараёнида қўл машқлари, образли қўллар, қўлга кийилган ҳар хил предметлар билан ишлаш усуллари.
3. Қўғирчоқ турлари билан ишлаш жараёнини ўз ичига олган.

Ш.Хайитбаевнинг ёзган услубий қўлланмаси босмаҳонада чоп этилиб, талаба ва педагогларга фойдаланиш учун муносиб бўла олади деб ўйлайман.

**Республика Қўғирчоқ Театри бош режиссёри,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси**

М.Х.Ашурова